

O'ZBEKISTON TARIХI

HISTORY OF UZBEKISTAN

3/2007





3
2007

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON TARIXI



Илмий журнал

Мундарижа



| | |
|--|----|
| Б. Абдуллаев. Илк ўрта асрлар (VII-VIII) Суғд жамиятининг юкори тоифалари масаласига доир маълумотлар таҳлили | 3 |
| С. Азизов. Алишер Навоий космогоник дунёкараши шаклланишида Самарқанд ва Ҳирот астрономик мұхитининг ўрни | 12 |
| Д. Зияева. XIX-XX аср бошларида Туркистан шаҳарлари тадбиркорлик тарихидан | 18 |
| У. Рашидов. Қызыл армиянинг «Ҳисор юриши» ва Шарқий Бухорода совет тузумининг ўрнатилиши | 30 |

Тарихшунослик

| | |
|---|----|
| Д. Атаджанова. Шарқ мамлакатлари «рисола» ларини ўрганиш тарихи | 37 |
| Г. Астанова. Бухоро Республикасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг замонавий талқини (1990-2005 йй.) | 48 |

Этнология масалалари

| | |
|--|----|
| А. Аширов. Ўзбек халқининг туаржойлар билан боғлик урф-одатларида диний эътиқодлар симбиози | 56 |
|--|----|

Ёши тадқиқотчи минбари

| | |
|--|----|
| С. Мухамедова. Мусо Сайджонов илмий фаолиятини ўрганиш масалалари | 67 |
|--|----|

Тарихчи кутубхонасига

| | |
|---|----|
| Э. Юсупов. Ўрта Осиёда колективлаштиришнинг фожиали саҳифалари тарихига доир кимматли нашр | 77 |
|---|----|

Юбилей

| | |
|--|----|
| Ю. Буряков, М. Филанович. «Қадимги Хоразм цивилизацияси изидан» (Сергей Павлович Толстовнинг 100 йиллигига) | 80 |
|--|----|

Jurnalga 1998 yil
iyulda asos solindi

Bir yilda to'rt
marta chiqadi

Toshkent
O'zbekiston
Respublikasi Fanlar
akademiyasi
«Fan» nashriyoti

ИЗДАНИЕ

Содержание

| | |
|---|----|
| Б. Абдуллаев. Анализ сведений, касающихся высших сословий согдийского общества в период раннего средневековья | 3 |
| С. Азизов. Значение астрономической среды Самарканда и Герата в формировании космогонического мировоззрения Алишера Навои .. | 12 |
| Д. Зияева. Из истории предпринимательства в городах Туркестана XIX- начала XX века | 18 |
| У. Рашидов. «Гиссарский поход» Красной армии и установление Советской власти в Восточной Бухаре | 30 |

Историография

| | |
|---|----|
| Д. Атаджанова. История изучения «рисола» стран Востока | 37 |
| Г. Астанова. Современная интерпретация социально-политических процессов в Бухарской Республике (1990-2005 гг.) | 48 |

Вопросы этнологии

| | |
|--|----|
| А. Аширов. Симбиоз религиозных верований в обычаях узбекского народа, связанных с жилищем | 56 |
|--|----|

Трибуна молодого исследователя

| | |
|---|----|
| С. Мухамедова. Вопросы изучения научной деятельности Мусы Сайджанова | 67 |
|---|----|

В библиотеку историка

| | |
|---|----|
| Э. Юсупов. Ценное издание о трагических страницах истории коллективизации в Средней Азии | 77 |
|---|----|

Юбилей

| | |
|---|----|
| Ю. Буряков, М. Филанович. «По следам древнехорезмийской цивилизации» (к 100-летию Сергея Павловича Толстова) | 80 |
|---|----|

Тахрир ҳайъати:

| | |
|---|--|
| Дилором Алимова (бош мухаррир) | |
| Мирзурт Абусентова (Козогистон) | |
| Омонулла Бўриев | |
| Алишер Дониёров | |
| Доно Зияева | |
| Ўткир Исломов | |
| Мирсодик Исҳоков | |
| Элёр Каримов | |
| Зоя Орифхонова | |
| Эдвард Ртвеладзе | |
| Ильза Сиртаутас (АКШ) | |
| Рустам Сулаймонов | |
| Маргарита Филапович (бош мухаррир ўринбосари) | |
| Темур Ширинов | |
| Нозим Хабиуллаев | |
| Шоира Асадова (масъул котиб) | |
| М. Сайдова | |
| А. Михерёва (мухаррирлар) | |
| Т. Гез (мукова дизайнери) | |

Манзилимиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси, 9-йи.
Телефон: 162-38-73.

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот кўмитаси томонидан
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Теришга берилиди 6.11.2007.

Босишига руҳсат этилди 11.12.2007.

Кофоз бичими 70×100^{1/16}.

Таймс гарнитура.

Офсет босма. Офсет қофози.

Шартли босма 5,25 т.

Хисоб-нашириёти 5,2 т.

387 нусха, 203-буортма.

«КО‘НУР» МЧЖда босили.
Тошкент ш., «Машинасозлар» маъзеси, 4.

Б. Абдуллаев

ИЛК ЎРТА АСРЛАР (VII-VIII) СУҒД ЖАМИЯТИНИНГ ЮҚОРИ ТОИФАЛАРИ МАСАЛАСИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон тарихининг илк ўрта асрлар даври ватанимиз худудидаги давлатчилик жараёнларининг шаклланишида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Зеро, бу давр давлатчиликнинг янги поғонага кўтарилиши, яъни ерга мулкий эгалик муносабатларининг вужудга келиши билан изоҳланади. Илк ўрта асрлар даврига келиб, жамиятнинг мулкка бўлган муносабати ўзгарди, марказий ҳокимиятга таъсир этиш даражасида нуфузни мужассам этган йирик заминдор қатлам шаклланди. Турган гапки, мулк шакли ўзгариши билан аҳолининг турли табақалари ўртасида мулкий муносабат ҳам ўзгарди, ер эгалиги билан боғлиқ жамиятнинг янги синфлари вужудга келди. Илк ўрта асрлар Ўрта Осиё жамиятининг табақа ва тоифалари, уларнинг турли субъект сифатида намоён бўлиши, жамиятдаги мавқеи, юқоридан-қуйига қараб ҳаракат қилувчи бўйсуниш босқичлари (иерархияси) каби масалалар юзага келди. Мақоламизда ватанимиз худудининг Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларини ўз ичига олган илк ўрта асрлар Суғдининг аслзода-зодагон қатлами, жамиятнинг юқори тоифалари масалалари таҳлили ўз аксини топган.

Илк ўрта асрлар Ўрта Осиёда жамиятда зодагонлар, аслзодалар каби аҳолининг юқори тоифалари мавжуд бўлганлиги масаласи тарихан маълумдир. Ўз вақтида В. В. Бартольд Мовароуннаҳр жамияти асоси-дехконлар, ер эгалари хукмронлиги¹, деб ёзади. Унинг фикрича, «дехқон» сўзи оддий ер эгаси ва ворислик ҳуқукига эга бўлган табақага бирдек ишлатилган. Шу билан бирга тадқиқотчининг ёзишича, бу даврда Эрондаги каби аҳолининг юқори тоифаси орасида турли табақа ва синфлар муаммосини ҳал этишга оид маълумотлар йўқ эди.

Бизгача етиб келган бир қатор манбаларда Эрон ижтимоий табақаларини билдириш учун қўлланилган атамалар Ўрта Осиё ижтимоий қатламига нисбатан ишлатилган. Лекин, бу маълумотларга қарамай, маҳаллий манбаларда «дехқон» атамасини англаштирувчи маълумотларнинг камлиги сабаб, уни аниқ ифодасини бериш қийин. Лекин кейинги даврлар ичida тўпланган маълумотлар баъзи фикрлар юзасидан муайян мuloҳазаларни билдиришни талаб этади.

¹ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. СПб., 1898. Т. 1. С. 238.

Ўтган асрнинг бошларида илк ўрта асрлар тарихига тааллукли бўлган катта ҳажмдаги Суғд хужжатларининг архиви топилди. Мазкур хужжатлар ёрдамида илк ўрта асрлар Суғдининг, шу жумладан Ўрта Осиё тарихининг турли масалалари давлат ва жамият, дипломатик муносабатлар, хўжалик ҳаёти, ижтимоий муносабатлар каби масалаларга янгича илмий ҳulosалар чиқаришга имкон яратилди.

Илмий адабиётларда Суғд жамияти таркиби ҳақидаги мунозара сүғдшуносликнинг дастлабки давриданоқ бошланган эди. 1907-1913 йилларда Суғд ёзма ёдгорликларининг дастлабки туркуми устида тадқиқот ишлари олиб борилган. Бунда Р. Готъо,² К. Г. Залеман, Ф. В. К. Мюллер ва бошқалар турли матнлар устида иш олиб бориш асносида илк бор Суғд жамиятига хос маълумотларни фанга киритдилар. 1920-1930 йиллар давомида Суғд ёзма ёдгорликларининг нашрлари тобора кўпайиб борди ва ниҳоят Муғ тоги хужжатлари мажмуи фанни кутилмаган маълумотлар билан тўлдирди. Олимлар Суғд манбаларини ўрганиш билан баробар илк ўрта асрларга оид Суғд ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб уларни араб, форс ва бошқа манбалар билан қиёслашга киришдилар. Жумладан, Табарий, Яқубий, Наршахий, Саолибий, Гардизий ва бошқа ўрта аср муаллифларининг Суғд жамияти ҳақидаги хабарларини умумлаштиришга ҳаракат қилинди.

Оригинал ва таржима қилинган Суғд материаллари – Муғ тогидан топилган хужжатлар архивидаги маълумотлар, нумизматик манбалар билан таққосланди, унда аниқлик киритишни талаб этувчи кўплаб ижтимоий терминология акс этган. Маълумотларни ўрганиш эса жамиятда турли мулкий тоифаларнинг мавжуд бўлганлигини, ижтимоий муносабатлар доирасини кенгрок ўрганишга имкон берди.

Суғд жамиятининг юқори тоифалари ҳақида гап кетганда, турган гапки, ҳукмрон қатлам на иқтисодий ва на сиёсий бир бутунликни ташкил этмаган. Бу мавхумликни археолог В. А. Шишкин ўзининг Бухоро воҳасида олиб борган кўп йиллик изланишлари натижасида кўрсатиб берди³. Унинг фикрича, авваламбор, бу ҳақда бизнинг давримизгача археологик ёдгорлик сифатида сақланиб қолган, турли-туман кўринишда бўлган зодагон қасрларининг ҳаробалари қолдиқлари гувоҳлик беради.

Ёзма манбаларда келтирилган зодагонлар табақалари (даражалари) ер мулкчилиги асосида ривожланган иерархия (куйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсуниши) нинг мавжудлиги-

² Gautiot R. Le Alptabet Sogdiane. De l'alphabet Sogdien // JA. 1911. Ser. 10. T. 17.

³ Шишкин В. А. Варахша. М., 1963. С. 16.

дан далолат беради. Бу иерархиянинг олий поғонасини аслзодалар ташкил этган.

Муғ тоғи Суғд хужжатлари илк ўрта аср ижтимоий-сиёсий вазијатини тушунишда муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Муғ хужжатларининг таҳлили жумладан, қуидагича манзарани кўрсатади: жамиятнинг поғоналашган ижтимоий тузилишининг энг юкориси **ихшиддан** бошланади. Бу атама Суғд тилида «подшо» демакдир. Суғд матнларида бу сўз оромийча график шаклида **MLK'** деб берилган. Ушбу атаманинг тарихий талқини ва ижтимоий маъносини В. А. Лившиц кўрсатиб берган эди⁴. **Ихшид** сўзи Авесто тилида «хшайати» кўринишида бўлган⁵.

Ихшид сўзининг лугавий маъноси **xšay** ўзагига боғлиқ бўлиб, «порлок, нурафшон, яъни илохий назар тушиб, ўзидан нур таратувчи шахс, подшоҳлик мартабасига лойик зот», деб талқин килинади.

Ихшид мартабасининг турли манбаларда, шу билан бирга Суғд тангларида **MLK'** шаклида (идеограммасида) берилиши Ўрта Осиё миқёсида кенг тарқалган. Ҳатто, бу мартаба номи Шарқий Туркистонда ҳам учрайди. **Ихшид** – «шоҳ» мартабаси илк ўрта асрларда Суғд, Фарғона (**Фраганик** – **MLK'** Муғ тоғи хужжатларидан А-14 да)⁶ ва бошқа худудларда амалда бўлган.

Суғд тангларида ихшид мартабаси бевосита учрамайди. Бу сўз асосан оромийча идеограмма **MLK'** шаклида берилган. **MLK'** сўзининг оромийча шакли суғдча матнларга қадимги аҳамонийлар подшолигининг бошқарув хужжатчилик анъаналари орқали кириб келган ва суғдча матн ёзиш анъаналарида узок сақланган. Суғд жамиятининг ижтимоий табакалари тартибида ихшиддан кейинги поғонани **xwt'w** – «хутав» мартабаси эгаллайди. Унинг маъноси қатор илмий нашрларда изоҳланган бўлиб, «маҳаллий ҳоким» демакдир.

Суғд матнларида **xwt'w** (хутав) лавозими (унвони) оромийча идеограмма **MRY'** шаклида ёзилган.

Тангларда ва Суғд хужжатларида Суғд зодагонлари таркиби ҳақида келтирилган унвонлар нафақат ўлканинг сиёсий тарихини балки, жамиятнинг ижтимоий муносабатларини ҳам кенгрок ёритиб бериши мум-

⁴ Л и в ш и ц В. А. Согдийский посол в Чаче // СЭ. М., 1960. № 2. С. 98.

⁵ О р а н с к и й И. М. Иранские языки. М., 1963. С. 48.: Яна қаранг: И с х о к о в М. М. Кадимги давлатчилигимиз тарихидан // Таълим муаммолари. 2006. № 1. 19-бет.

⁶ Согдийские документы с горы Муг. Вып II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии Лившица В. А. М.: Наука, 1962. С. 90-91. (далее: СДГМ II).

кин. Бу Суғд тангаларини кузатганда VI аср охири – VII аср бошларида маҳаллий ҳукмдорлар унвонлари маълум бир ўзгаришларни бошидан ке-чирганини кўрамиз. Тангалардаги ёзувларда олий даражага таалкуқлиси ихшид – **MLK'** идеограммаси билан берилган «хукмдор» унвонидир. Иккинчиси **xwt'w-MRY()** – «хўжайин» ва учинчиси **xwb(w)** унвонларидир. Кўриб турибмизки, илк ўрта асрлар Суғд жамиятининг юқори тоифалари турли мавқега эга бўлганлар. Улардан биринчиси ворислик ҳукукига эга бўлган Самарқанд подшоҳларининг тангаларида VII асрнинг иккинчи ярмида уларга тегишли бўлган умумий унвон **xwb(w)** ўрнига пайдо бўлди. Шу даврдан бошлаб йилномалар ва Суғд тангаларида кўрсатилишича, улар «шоҳ» ёки Суғд подшоси **MLK'** унвонига эга бўлдилар. Бу унвон улардан кейин сулоланинг ҳукмронлик қилган даври мобайнida сакланиб қолди.

Иккинчи **xwt'w** – **MR'Y** «ҳоким» унвони Муғ ҳужжатларининг далолат беришича, аслида Самарқанд ва Панжикент ҳукмдорларининг унвони ёки фахрий номи бўлган. Учинчи унвон **xwb(w)** Ўрта Осиё унвонларидан қадимийси бўлиб, одатий муомалада хурмат ифодаси сифатида амал қилган.

Хитой йилномаларида Суғд «Су-ли», Самарқанд эса «Кан» деб номланади. Хитой маъмурий терминологиясига қараганда Кеш ва Бухоро ҳам Су-лига қарашли бўлган. VII аср бошларида Суғд чегаралари Суғдга Қашқадарё ўлкалари қарашли бўлганлиги 712 йилги Самарқанд шартномасида⁷ аниқ белгиланган. Мусулмон даври муаллифлари Самарқандда **подшо-ихшид**, Кешда **ҳоким-ихрид**, Бухорода–**бухорхудот** унвонлари амал қилганларини кўрсатадилар. Булар меросийликнинг аниқ ҳукуклари билан таъминланган бўлиб, таҳтни шу уруғга тегишли шахс эгаллаши лозим бўлган. Лекин тарихда оқсоқоллар йиғини ҳам подшони алмаштириши мумкин бўлган. Масалан, Тархун шу йўл билан таҳтдан олиб ташланган.

Бундан кўриниб турибдики, ўша пайтда таҳт отадан ўғилга меросий сулолачилик асосида, ҳокимият эса авлоддан авлодга ўтиши мумкин эди.

Масалан, Самарқанд ҳукмдори Вархуман ўрнига унинг ўғли Суғд ихшиди, Гурак ўрнига унинг катта ўғли Тургар таҳтга келган. Кешда Йантундан сўнг таҳтга унинг ўғли ўтиради. Шоҳ Хутталон ҳукмдори ҳам таҳтни ўз ўғилга мерос қилиб қолдиради. VIII асрда Уструшона таҳти отадан ўғилга ўтган. Шу билан бир қаторда таҳтни акадан укага ўтиш

⁷ Крачковский В. А. и Крачковская И. Ю. Древнеарабский документ из Средней Азии // Согдийский сборник. М.; Л., 1934. С. 7-17.

ҳоллари ҳам кузатилади. Масалан, Бухоро ҳукмдори Туғшоданинг ўғли Кутайбадан сўнг таҳтни навбатма-навбат унинг учта укаси эгаллаган. Самарқанд ҳукмдори Гурек эса Тархуннинг укаси бўлган. Ҳукмдорнинг ҳокимияти баъзида оқсоқоллар кенгаши томонидан чегараланган эди.

Суғдда Самарқанд ихшидлари сулоласи VII аср иккинчи чорагидан VIII аср учинчи чорагигача ҳукмронлик қилганлиги Суғд хужжатларида акс эттирилган.

Сосонийлар Эрони ижтимоий терминологиясини ўзлаштириб олган ва уни Ўрта Осиёга татбиқ қилган араблар одатда, бутун зодагон ер эгалари каби Ўрта Осиё ҳукмдорини ҳам «**дехқон**» деб аташган. Манбалар уларни «**катта – буюк дехқон**» ёки «**оддий дехқон**» каби фарқлади. Табарий ва бошқа муаллифлар улардан энг кучлиларини, яъни ворислик ҳукуқига эга бўлган дехқонларни «**катта дехқонлар**» – «**азимлар**» деб номлайди. Форс муаллифлари уларни «**бўзург**», яъни «**катталар**» – «**буюклар**» ва «**михтарлар**» деб атайдилар⁸. Араб манбаларида Панч ҳокими Деваштич ва Суғд подшоси Гурек дехқон ёки **азимлар** деб аталган бўлсалар, Муғ хужжатларида Суғд дехқонлари «**ихшидлар**» ва «**хутавлар**» деб номланганлар. Муғ хужжатларида факатгина хутавлар (**xwt'w**) эслатиб ўтилади. Бу ҳакда В-17 ҳужжати, яъни Панжикент ҳокими Деваштичининг Хахсар дехқонига қандайдир ишончга нолойиқлик ва журъатсизлик туфайли амалга ошмаган иш бўйича койиб ёзган хати маълумот беради⁹. Муғ архиви туркумида «**ихшид Тархун**» ҳукмронлик йиллари (700-710) билан белгиланган биргина хужжат бор. Бошқа хатларда эса **хутав** унвони ўрнига асосан **MR'Y**, ихшид ўрнига эса **MLK** – «**шоҳ**» идеограммаси қўлланилган.

Суғдча **xwbw**, **xwt'w** каби икки хил ёндашиш ва нуқтаи назардан караш мумкин. 1) унвон; 2) анъанавий мурожаат шакли. Асосий манбаларга (Муғ архиви ва Суғд хужжатлари) қараганда жамиятда **xwbw** унвони кенг тарқалган. Меросхўр дехқонлардан тортиб, бу унвонга «Тарихи Табарий»да кўрсатилишича, оддий дехқонлардан устун қатлам манбаларда берилган «азим», «кабир» ёки «бузург» унвонли зодагон дехқонлар эга бўлган. **Xwbw** – хавбу атамаси Суғд, Панжикент, Фарғона ва Чочда зарб қилинган бир қатор тангаларда учрайди. Суғд тангаларидаги каби бу атама ёзма манбаларда ҳукмдор унвони сифатида қўлланилган. Бу Муғ архивидаги Панжикент унвони бир хилликка эга: **xwb Pncy MR'Y** «**Панч ҳукмдори хваб**» шаклида. Суғд хужжатларида **хваб** нафақат

⁸ Гафуров Б. Таджики, Древнейшая, древняя и средневековая история. М.: ГРВЛ, 1972. -657с. Раздел: источники.

⁹ СДГМ II. С. 115-122.

унвон, балки, анъанавий мурожаат ҳам ҳисобланган. Масалан, Панжикент фрамандари (бошқарувчи) га юборилган ҳужжатда мактубга хос бўлган анъанавий мурожаат формуласи қўлланилган (В-17).

Муғ тоғи ҳужжатларининг кўпчилиги муншаот жанрида бўлиб, хатнинг бошлов жумлалари анъанавий ишлатилган «қолиплар» асосида тузилган. Масалан, Муғ тўпламининг А-14 матнида «...Буюк таянчимиз Суғд подшоси, Самарқанд хукмдори Деваштичга» деб бошланса, В-7 матни «Аспадакдан буюк таянчимизга кўп таъзимлар» каби бош жумлага эга. Ҳаттоқи, хат мурожаати шаклининг шу анъанасига риоя қилган ҳолда араб истилочиларининг вакили Абдураҳмон ибн Субҳ ҳам Деваштичга ёзган мактубида «Суғд подшоси, Самарқанд хукмдори Деваштичга» каби бошлов формуласи билан бошланган¹⁰.

Суғд жамиятининг яна бир муҳим қатлами «озодлар»дир. Бу атама Суғд ёзма ёдгорликлари, айниқса, Муғ тоғи архиви таркибидағи Nov. 3-4 ҳужжатлари матни асосида В. А. Лившиц томонидан илмий изоҳланган¹¹.

Озод – “z’tk, “z’tch атамаси О. И. Смирнованинг ишларида ҳам таҳлил қилинган. Бу атама мазмунига берилган изоҳларни солиштириб Б. F. Фофуров «озод» атамаси «оқсуяқ, олижаноб кишилар, киборлар» деган хulosага келиб, «дехқонлар» бу тоифага киради, деб кўрсатади¹². О. И. Смирнова «киборлар» тоифаси остида биринчи галда «дехқонлар» синfinи кўрсатади. Шу билан баробар бу атамани суғдча xwtw «хутав» атамаси билан боғлайди. Лекин у таҳлил давомида «дехқон» атамаси Суғд ҳужжатларида учрамаслигини, бу атама араб манбаларидагина қўллангани ҳақида алоҳида тўхталмайди. О. И. Смирнова «дехқон» атамасини араб манбаларида қўлланилиши борасида етарлича мисоллар келтирган. Шу билан бирга арабча «малик» «мулк эгаси» атамаси ёнма-ён ишлатилишини таъкидлайди. Масалан, «малик ас-Самарқанд», «дехқон ас-Самарқанд» ва ҳоказолар.

Бу маълумотлар асосида дехқон атамаси «ҳоким» «хукмдор шахс» маъносини умумлаштиришга хизмат қилган бўлса керак. Чунки турли манбаларда «малик», «соҳиб», «дехқон» атамаларини қўлланилишида қандайdir эркин ёндашув сезилади.

Яна дехқон ижтимоий қатламга нисбатан манбаларнинг оддий «дехқон» ва «азим» (яъни улуғ) дехқон кабиларни фарқлаб қўллаш ҳолларни алоҳида қайд этилиши дикқатта сазовор. Баъзан араб манбала-

¹⁰ И с х о к о в М. М. Унутилган подшиликдан хатлар. Тошкент, 1992. 33-37-бетлар.

¹¹ Г а ф у р о в Б. Г. Таджики. С. 373: СДГМ II. С. 13-14.

¹² Ўша жойда. 13-14-бетлар.

ри «дехқон» сўзини фалон шаҳар ёки вилоят азими (улуғи) тарзида ҳам ишлатилади. Жумладан, азим унвони остида Панжикент ҳокими, Муғтоғи хужжатларининг асосий иштирокчиларидан бири аталадики, бу ҳам дехқон атамасининг амалда вилоят ҳукмдорларига нисбатан қўлланиши ҳакиқатга яқинлигини кўрсатади. Шу қаторда Деваштич (708-722) билан бир вақтда Суғднинг бошқа вилоятларида ҳоким бўлган шахслар ҳам «азим» атамаси билан қайд этилган. Бу каби кўплаб маълумотлардан «дехқон», «азим», «малик» унвонларининг ижтимоий поғонадаги ўрнини белгилаш қийин эмас.

«Озод» ижтимоий қатлами ихшид, хвабу, хутав (ёки хватав) поғоналаридан кейин жамиятнинг «илохий тизими» даражасида тасавур қилинган.

«Аслзода озодлар» табақасига подшоҳ, маҳаллий ҳукмдор ва заминдор дехқонлар кирган. Бу ижтимоий зинапоянинг тепасида подшо турган. Гап шундаки, подшо маҳаллий ҳукмдорнинг «озод» табақасига кириши масаласида у даврда баҳс бўлиши мумкин эмас эди. Чунки, юкорида айтганимиздек, шоҳлик ва ҳукмдорлик мартбалари «илохий» деган давлатчиликка оид ғоявий концепция подшолар-озодлар каби талқинга ҳожат қолдирмаган. «Озодлар» табақаси эса жамият миқёсида бирор тарзда тобе бўлмаган қатламни ҳам англатган. Ижтимоий тобе қатлам фанда «қадивар дехқонлар» – «муте қўшчилар», «бантак», «доя» кабилар кўзда тутилган. Демак, «озод» тоифасининг чегараси ўз-ўзидан кенгроқ қаралиши мумкин. Зоро, кимгadir тобе бўлмаган ҳар бир киши «озод» деб қаралган. Жамият миқёсида қонунлар ва уларнинг амалий жараёни айни шу кенг талқинга бўйсунган. Лекин жамиятнинг юкори ижтимоий табақалари ушбу оддий бироқ, халқчил қоидалардан фойдаланишда уларнинг амалий доирасини ўзларига мувофиқлаштиришга уринишгандир.

«Озод» атамаси ҳакида X. B. Бейли ҳам фикр билдириб, унинг оддий луғавий маъноси эркин шахс, этимологик асоси «эркин туғилган» инсон, атамани англатувчи вазифаси эса ижтимоий тараққиёт юксалган сари шаклана борган, деб кўрсатади¹³.

Бу масала юзасидан кисқача ҳulosса қилиб айтиш мумкинки, «озод» табақаси аввало, кенг маънода «эркин туғилган», «тобе эмас аҳоли» ни, кейинчалик жамиятнинг мулкий ҳуқукий табақаланиши давомида маҳсус ижтимоий мазмун билан бойиган.

Суғд жамияти таркибининг юкори табақа доираси бу билан чекланмаган. Илмий адабиётда жамият таркиби ҳакида мунозара

¹³ Bailey H. W. Iranian studies // BSOS. 1932. Vol. VI. Pt 4.

суғдшуносликнинг дастлабки давриданоқ бошланган. Масалан, ижтимоий табақалар орасида Суғд матнлари баъзан подшохнинг хотини, яъни малика маъносида «хутина» атамасини ишлатади.

О. И. Смирнова буни суғдча «хватов», яъни ҳоким сўзи билан боғлаб тушунтиришга харакат килади. Бунинг исботи учун араб манбаларида келтирилган «хузайна» сўзини мисол сифатида кўрсатади.

Маълумки, «хузайна» лақаби 719 йилда халифанинг Хуросондаги ноиби бўлган Абд ал-Азизга унинг қатъиятсизлиги сабабли берилган бўлиб, маъноси «уй bekasi», яъни аёлга ўхшаган киши деган сўз эди. Бу иборани ўз вақтида В. А. Лившиц Муғ тоғи ҳужжатларининг нашри муносабати билан таҳлил этган эди. Гап шундаки, «хузайна» сўзи ҳозиргача турли тилларда, жумладан, ўзбекча ва тожикча «хўжайин», русча «хозяин» каби сўзларда сакланиб келмоқда. Бунинг устига «хутина» сўзидаги «т» товушининг «з» билан алмашиниши етарли асосланган эмас. Колаверса, Вессантара Жатака китобида Шавачхоши шаҳрининг подшоси Шивининг хотини малика «хутина» сўзи билан аталган¹⁴. Бу мулоҳазалардан қатъи назар «хутина» атамаси жамиятида подшолик мартабаси остида турган энг юқори даражали аёл киши мақоми сифатида тушунилмоғи керак. Шу билан бирга илмий адабиётда учрайдиган «хатун» туркий атамасига алоҳида эътибор бериш, уни этикологик асоси ҳақида алоҳида ўйлаб кўриш лозимлигини таъкидлаш жоиздир.

Суғд жамиятида ижтимоий тобе аҳоли қатлами масаласи хусусида ҳам бир қатор илмий ишлар мавжуд. Бу соҳада В. А. Лившиц, И. Гершевич, О. И. Смирнова, М. Исҳоковларнинг фикрлари эътиборга лойик. Масалан, V-VIII асрларда Суғд жамияти эрки ўзида бўлмаган одамларнинг бир неча тоифаси бўлганлиги ҳақида В. А. Лившиц Муғ тоғи архивидан Nov. 3-4 ҳужжатлари асосида батафсил маълумотлар берган. Булар «**бантак**», «**доя**», «**унак**», «**нипак**» кабилардир. Бу ижтимоий табақаларнинг мавқе мақоми ҳақида инглиз олими И. Гершевичнинг фикрларини ҳам В. А. Лившиц ўз ишларида қайд этган¹⁵.

«**Бантак**» сўзи «хонадон хизматкори» кўйи ижтимоий қатлам вакили, «**доя**» тоифаси эса аёл кишининг «қарам, чўри» ҳолатини, «**нипак**» тоифаси гаровга (вақтинча) олинган «кул» ҳолатини билдирган. «**Унак**» ҳарбий асир қилиб, олиб кетилган шахсларнинг қарам ҳолатига нисбатан берилган¹⁶.

¹⁴ Исҳоков М. М., О таҳ ў жа е в А. М. Вессантара Жатака // Қадимги ёзма ёдгорликлар. Тошкент, 2000. 23-51-бетлар.

¹⁵ СДГМ II. С. 34-37.

¹⁶ Ўша асар. 43-47-бетлар.

Суғд жамиятининг мазкур тоифалари шак-шубҳасиз, ер билан боғлиқ мулкчилик ва давлатчилик муносабатларида мухим ўрин эгалаган.

Хулоса қилиб айтганда, Муғ тоги Суғд архиви тўплами давлатчилигимиз тарихининг илк ўрта асрлар даври жамияти, ижтимоий муносабатлари масалаларига доир қимматли маълумотларни бериши мумкин. Фикримизча, мазкур материаллар асосида ҳали кўпгина ноаниқ масалалар ўз ечимини топа олади. Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили илк ўрта аср Суғд жамиятининг ижтимоий масалаларига қаратилган. Мазкур архив шу давр юзасидан жамиятнинг барча тоифаларига тааллукли материалларга бой. Бу эса ўзбек давлатчилигининг илк ўрта асрлар ҳаётига чукур кириб бориб, ўрганиш имконини беради.

B. Abdullaev

Анализ сведений, касающихся высших сословий согдийского общества в период раннего средневековья

В статье описывается социальная жизнь раннесредневекового согдийского общества, т. е. иерархия Согда, составлявшая верхушку общества и сыгравшая немаловажную роль в развитии феодальных отношений в Средней Азии. Анализируются типы землевладельцев и их влияние на управленческую систему государства на основе письменных памятников согдийского архива, найденного в крепости Муг.

B. Abdullaev

The analyzing of the dates concerning of the lightest levels of Sogd's society in the early medieval period

The social life of the Sogdian Society in the early middle ages described in the article. Exactly, the feudal aristocracy of Cogd who was the highest level of that Society and who influenced very much on the development of feudalism in middle Asia. And all levels of the Sogdian Society and aristocracy and their social interdependence between them are also described in details. Different types of the feudal lords and their influence on the govern system of the state are analyzed on the base of written sources of the Sogdian archives found in the Mug Castle.

С. Азизов

АЛИШЕР НАВОЙ КОСМОГОНИК ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИДА САМАРҚАНД ВА ҲИРОТ АСТРОНОМИК МУХИТИНИНГ ЎРНИ

Фан тарихида фалакиёт илми тараққиётининг босқичларидан бири Улуғбек расадхонаси фаолияти антик ва ўрта асрлар фалакиёт илми ютуқларини ўзида мужассам қилган зижиди акс этган ва Темурийлар даврига тўғри келади. Бу даврда Мовароуннахр ва Хурросонда фалакиёт илми олимларидан Салоҳиддин Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Мирим Чалабий, Абу Али ибн Муҳаммад Биржандий, Алоуддин Али Кушчи, Фасихиддин ал-Кўхистоний, Абдулқодир Рӯёний Лоҳижий, Муҳаммад Олим Самарқандий, Ҳожа Уҳд Маствуний, Ҳожа Авҳад Муставфий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Кавкабий, Муиниддин ал-Каший, Мансур ибн Муиниддин ал-Каший, Ҳасан Чалабий ибн Мусо ибн Махмуд кабилар яшаб ижод этганлар. Машхур тарихчи Шарафуддин Али Йаздий ва Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам фалакиёт илмидан яхши хабардор бўлганлиги маълум.

Темурийлар даврининг машхур шоири Алишер Навоий асарларида ҳам астрономик сўзлар ва тушунчалар анчагина.

У астрономия ва астрологияни нужум фани, нужум илми, илми осмоний, фалакиёт, илми ҳайъат номлари билан атайди. Фалакиёт мутахассисларини эса анжумшунос, ахтаршунос, мунахжим, расадбанд, юлдузшунос, вақтшунос деб номлайди ва ўз навбатида, уларни мутаассиб ахтарпараст ва офтобпарастлардан фарқлади.

Шоир ижодида олам тузилиши билан боғлиқ фалакий сўз ва иборалар кўп қайд этилган: фалак (коинот), фалак жавфи (фазовий бўшлиқ), олам зарроти (заррачалар), лайлу нахор (кун ва тун), чарх (фалакнинг айланма ҳаракати), тўрт унсур (борлик асоси), ўн икки бурж (эклиптика узра жойлашган юлдуз туркумлари), арз (Ер шари), Ер анинг жавфида (Ер куррасининг фазодаги муаллақ ҳолати), етти кўк (борлик), олти жихат (оламнинг олти тарафи), Куёш, Ой ва беш сайёра (оламнинг етти қатлиқ модели), саккиз гардун (саккиз осмон), тўққиз гунбаз, ўн жаҳон (ўн олам), ўн саккиз минг олам (кўп оламлар), хатти муҳит (оламнинг мавҳум киёфаси – армиляр сфера).

Алишер Навоий 15 ёшида шоир сифатида кенг танилиб, туркий (Навоий тахаллуси билан) ва форсий (Фоний тахаллуси билан) тилларда шеърлар битгани маълум. Тарихчи Хондамир шундай ёзади: «Олий ҳазрат, ёшлари эндиғина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда, бир куни

Лутфий хизматига борди. Лутфий, ўз нозик фикрларингизнинг натижаларидан юзага чиқсан бир ғазални ўқиши билан бизни баҳраманд қиссангиз, деб илтимос қилди, ул ҳазрат бир ғазал ўқиди, унинг матлаи мана шу:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лахза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач куёш.

Мавлавий жаноблари бу алангали ғазални эшлиши билан ҳайрат денгизига чўмиб, шундай дейди: «Воллоҳ, агар мұяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн – ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирадим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим»¹.

Лутфийга маъқул бўлган ушбу шеърий мисраларда маълум фалакий қонуният ифодаланган. Яъни Кўёш нурлари уфқ ортига ботгач, осмонда юлдузлар пайдо бўлади, бошқача айтганда шоир самовий жараёнларни мантикий асосда тасаввур қилишга интилган.

Навоийнинг «Мухокамат ул-луғатайн» асарида: «Яна чун «Сабъай сайёра» расадин замирим боғлабтур»², – деган мисрада қуйидаги маъно қайд этилган: «Етти сайдо»ни кузатмок максадида мен хаёлан расадхона бунёд этдим». Яъни шоир кўқдаги етти ёритқични хаёлот оламида тасаввур қилган.

Алишер Навоий кейинчалик, ўзининг астрономик билимларини Самарқандда яшаган даврда (1465 – 1469)³, Фазлуллоҳ Абуллайс мадрасасида икки йил давомидаги ўкиши жараёнида оширган. «Мажолис ун-нафоис» асарининг Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсга бағишиланган бандида уни йирик олим сифатида таърифлаб: «Факир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, «фарзанд» дер эрдилар. Бовужудким, Самарқанднинг аълами уламоси эрди»⁴, – деб қайд этган.

Биз Алишер Навоийнинг Улуғбек расадхонасига қилган ташрифи ҳақидаги маълумотга бевосита эга бўлмасак-да, у Самарқанд расадхонаси ва Улуғбек «Зиж»и ҳақида етарлича маълумотга эга бўлганлигини «Фарҳод ва Ширин» достонидаги қуйидаги парчадан якъол кўрамиз:

Темурхон наслидин султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод,

¹ Хондамир. Макоримул-ахлоқ. Фофур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент. 1967. 45-46-бетлар.

² Алишер Навоий. Асарлар. Мухокамат ул-луғатайн. Ўн беш томлик. Т. 14. Тошкент. 1967. 120-бет.

³ Абуллаев В. Навоий Самарқандда. Тошкент. 1968. 59-бет.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар. Мажолис ун-нафоис. Ўн беш томлик. Т. 12. Тошкент. 1966. 32-бет.

Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
 Ва лек ул илм сори топти чун даст,
 Темурхон наслидин султон Улуғбек,
 Ки олам кўрмади султон анингдек.
 Анинг абнойи жинси бўлди барбод,
 Ки давр аҳли биридин айламас ёд.
 Ва лек ул илм сори топти чун даст,
 Кўзи олинда бўлди осмон паст.
 Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
 Жаҳон ичра яна бир осмондур.
 Билиб бу навъ илми осмоний,
 Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний»⁵

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Улуғбек ҳакида: «Ҳайъат (астрономия) ва риёзийни (математика) хўб билур эрди. Андоқким, зиж битиди («Зижи Кўрагоний» ни ёзди) ва расад боғлади (обсерватория курди) ва ҳоло анинг зижи орода шоєъдур»⁶, – деб ёзади. Самарқандда бўлган кезларида шоир табиийки, ўша ердаги олимлар билан мулоқотда бўлган. Хусусан, фалакшунос Мавлоно Муҳаммад Олим Самарқандий билан бўлган мулоқотлари ҳакида: «Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо била ҳамсабақ ва мусоҳиб эрди»⁷, – деб хотирлайди. У машҳур фалакшунос Xожа Уҳд Мастуний билан учрашганлиги ҳакида: «Хожа Уҳд Мастуний ўз асрининг ягонаси эрди. Илм ва фунун билур эрди. Аммо фалакиётда шухрати бор эрди. Бу факир ул бузургвор сұхбатига етар эрдим»⁸, – деб эслайди.

Алишер Навоий Самарқандга келган пайтда Улуғбек расадхонаси фаол ҳолатда бўлган. Чунки Али Кушчи Мирзо Улуғбек вафотидан (1449) кейин яна 20 йилдан ортиқ шу ерда изланишлар олиб борган⁹. Эслатма сифатида айтиш мумкинки, Абдураҳмон Жомийнинг темурийлар Ҳирот саройига Али Кушчи учун «нишон роҳ» – «йўл руҳсатномаси» берилишини сўраб ёзган рукъаси (хати) хам Ҳиротда саройдаги мухим лавозимни эгаллаган Алишер Навоийга йўлланган¹⁰ эди. Лекин

⁵ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (насрий баёни билан). Фоур Гуломномидаги нашриёт – матбаа бирлашмаси. Тошкент. 1989. 346-347-бетлар.

⁶ Ўша асар. Т. 12. 171-бет.

⁷ Ўша асар. 17-бет.

⁸ Абдуллаев Вахид. Ўша асар. 59-бет.

⁹ Үринбоев А. Алоуддин Али Кушчи Улуғбек илмий мактабининг давомчиси // Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишиланган халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент – Самарқанд. 12-16 октябрь 1994 йил.

¹⁰ Үринбоев А. Ўша асар. 236-237-бетлар.

Алишер Навоий ўз асарларида Али Күшчи ҳакида бирор-бир маълумот қолдирмаган. Али Күшчи ва Алишер Навоий ёшлари ўртасидаги фарқ қарийб 40 йил бўлган ва Самарқандга келган, нисбатан ёш Алишер билан эҳтимол мулоқотда бўлмагандир.

Ўз даврида Улуғбек томонидан Бухоро, Фиждувон ва Самарқандда биттадан жами учта мадраса бунёд этилгани маълум. Улуғбек мадрасасида астрономия, математика, геометрия фанларига алоҳида эътибор қаратилган. Улуғбекнинг Самарқанддаги астрономия мактаби фаолиятида Берунийнинг «Қонуни Масъудий», Қозизода Румийнинг «Шарҳ ал-муллаҳҳас фил ҳайъа» (Махмуд Ҷағминийнинг «Қисқача астрономия» асарига шарҳ)¹¹, Ҳусайн ал-Кубравийнинг Ҷағминий астрономиясини араб тилидан форс тилига шарҳ билан ўтирилган «Нузҳат ал-муллок фий ҳайъати-л-афлок» (Подшоҳларнинг коинот тузилишидан хузур олиши)¹² ва Мир Сайд Шариф Журжонийнинг ҳам Ҷағминий «Муллаҳҳас фи-л-ҳайъа»¹³ асарига ёзган шарҳи китоблари асосий қўлланма вазифасини ўтаган.

Алишер Навоийнинг астрономик дунёкараши айнан Самарқандда такомиллашган ва у ана шу билимлар билан маълум даражада ўз астрономик мухитига эга бўлган Ҳиротга қайтган.

Ҳиротдаги астрономик мухит шаклланишида бир қанча олимларнинг ҳиссаси бор. Жумладан, XIV асрда Ҳиротда Шамсиддин Муҳаммад ибн Муборакшоҳ Мирак ал-Бухорий (вафоти 1340 йилларга яқин) яшаб ижод қилгани маълум. У риёзиёт, фалакиёт, фалсафа соҳалари билан шуғулланган, астрономияга оид «Зиж» асарида эса ўзигача Шарқда маълум бир қанча астрономик зижлар – Баттоний тузган зиж, Абдураҳмон ал-Ҳазинийнинг «Зижи ас-Санжарий», Али ибн Абдулкарим Ширвонийнинг «Алоуддин Зижи», Ҳисомиддин ас-Солорнинг «Зижи шоҳий», Насириддин Тусийнинг «Зижи Элхоний» номли зижлари ҳакида маълумот беради. У шунингдек, Ҷағминийнинг «Қисқача астрономия» ва ал-Ҳаракийнинг «Астрономия илмига кириш» асарларига шарҳлар ҳам ёзган¹⁴.

Ҳирот астрономик мухитининг тараққий этишига, шубҳасиз, Мирзо Улуғбек Самарқандда ташкил қилган астрономик мактабнинг таъсири сезиларли бўлган. Бунда Ҳиротдан олимлар Самарқандга бориб ўз малакаларини оширганлари ва баъзан эса Самарқанд олимлари

¹¹ Қази Заде Руми. Комментарий на «Компендиум астрономии» Чагмини. Ташкент: Фан, 1993.

¹² Бўриев О. Хоразмшоҳлар – темурийлар. Тошкент: Фан, 1999. 12-13-бетлар.

¹³ Қодиров М. Махмуд Ҷағминий // Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. Тошкент. 1999. 128-бетлар.

¹⁴ Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII – XVII вв.). С. 441-442.

Хиротда астрономия ривожига улуш қўшганлари кузатилади. Масалан, Абдураҳмон Жомий ўз вақтида Қозизода Румий маъruzalарини тинглаш учун Ҳиротдан Самарқандга борган¹⁵. Алишер Навоийнинг Самарқандда таҳсил олгани ҳақида юкорида айтилди. Ҳиротда эса темурий султонлардан Ҳусайн Бойқаро ва Бадиuzzамонлар саройида Али Кушчининг шогирдларидан Фасихиддин Муҳаммад ибн Абдулкарим Низомий ал-Кўхистоний (ваф. 1530) ва Абдулқодир Рўёний Лаҳижий (ваф. 1519) яшаб ижод қилганлар¹⁶. Ҳиротда бир қанча вақт давомида фаолият олиб борган тарихчи Шарафуддин Али Йаздий (ваф. 1435) фалакиёт илмидан яхши хабардор бўлган; у «Ал-китоб фи илм ал-астурлоб» («Устурлоб илми ҳақида китоб»)¹⁷ асарининг муаллифидир. Алишер Навоий даврида Ҳиротда яшаб қатор асарлар ёзган машхур олим Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам астрономия илмида билимдонлардан эди. У ҳақда «Мажолис ун-нафоис» да «Хусусан ваъз, иншо ва нужумки, аниңг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутаайин ва машхур ишлари бор»¹⁸, – деган сўзларни ўқиймиз. Хондамирнинг маълумотларига кўра, Ҳиротда ва унинг атрофида 36 та мадраса мавжуд бўлган ва уларда астрономия, математика, геометрия, яъни Самарқанд мадрасалари дастуридаги фанлар ўқитилган экан¹⁹.

Навоий Самарқанддаги таҳсилдан Ҳиротга қайтгач, ал-Кўхистоний раҳбарлигида фалакиёт илмидан сабоқ олишни давом эттиргани ва Кўхистоний ўз шогирди Алишер Навоийга бағишлаб фалакиёт илмидан иккита китоб ёзгани маълум. Улардан бири Носириддин ат-Тусийнинг (1201 – 1274) «Мифтоҳи бист боб дар маърифати астурлоб» («Устурлобни билиш ҳақида йигирма бобнинг калити») китобига шарҳ ва иккинчиси Қозизода Румий томонидан ас-Самарқандийнинг «Исбот (билин боғлик) таклифлар»асари шарҳига ёзилган шарҳ²⁰.

Демак, Алишер Навоий Самарқанд ва Ҳирот шахарлари илмий муҳитида фалакиёт илми соҳасида маълум астрономик билимларга эга бўлган ва мазкур билимлар унда космик тасаввурлар шаклланишида муҳим ўрин эгаллаган, деса бўлади. Ана шу билимлардан у атрофидаги астрономик илмий муҳитни кузатишда ҳам сўзсиз фойдаланган. Чунки

¹⁵ Бартольд В. В. Улугбек и его время. Соч. Ч. 2. М.: Наука, 1964. С. 126.

¹⁶ Розенфельд Б. А. Астрономия стран ислама. Историко-астрономические исследования. М.: Наука, 1984. Вып. XVII. С. 111.

¹⁷ Розенфельд Б. А. Ўша асар. 108-бет.

¹⁸ Алишер Навоий. Ўша асар. Т. 12. 123-124-бетлар.

¹⁹ Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент: Шарқ, 1996. 149-бет.

²⁰ Розенфельд Б. А. Влияние Самаркандской школы Улугбека на развитие математики и астрономии за пределами Средней Азии // Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 131.

«Мажолис ун-нафоис» асарида фалакиёт илми билан маълум даражада машғул бўлган сабзаворлик Хожа Авҳад Муставфий²¹, самарқандлик Мавлоно Риёзий²², бухоролик Мавлоно Кавкабийлар²³ ҳақида маълумот берганини биламиз. Шунингдек, самарқандлик шоир Риёзийнинг шеъридаги бир астрономик ўхшатишни ҳам шарҳлаган. Риёзийнинг

Ситораест дури гўши он ҳилол абрў,
Зи рўйи хусн ба хурshed мезанад паҳлў.

Мазмуни:

У ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу бир юлдуздир,
Хусн юзасидан қуёшга ёндашиб туради.

шеърий парчасини Алишер Навоий қўйидагича тузатади:

Зи рўи хусн дури гўши он ҳилол абрӯ,
Ситораест ки бо моҳ мезанад паҳлӯ.

Мазмуни:

Хусн юзасидан ул ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу,
Шундай бир юлдуздирки, ой билан ёндашиб туради²⁴.

Риёзийнинг шеъридаги астрономик хатолик шундаки, Куёш нурида юлдуз кўринмайди, лекин Ой билан юлдуз тун осмонида ёнма-ён ажойиб таъсиридан манзара яратади.

«Мажолис ун-нафоис» нинг мавлоно Фасихиддин Низомиддин Ҳиравийга бағишлиланган бандида: «Зоҳир улумидин ҳеч қайси бўлмайким, дарс айтмағай. Ва ҳар бир илмни айтур, кўпида ҳавоший ва муфид мусаннафоти борким, уламо андин баҳраманддурлар»²⁵ – деб ёзганида нужум илмини ҳам назарда туттган, албатта. Чунки Ҳондамир «Макорим ул-ахлоқ» китобида мавлоно Фасихиддин Мухаммад Низомий Алишер Навоийга бағишлиб ёзган китобларининг номларини кўрсатган жойда «Ҳошияи Ҷағминий», «Ҳошияи шарҳи ашкол», «Таъсиси шарҳи бист боби устурлоб»²⁶ каби фалакиётга оидлари ҳам бор.

Юкоридаги таҳлилдан Алишер Навоий коинотнинг тузилиши ҳақида ўз даври даражасида маълум тушунчаларга эга бўлган ва ўз асарларида уларни қизиқарли илмий оммабоп услугуда баён килган самовий жисмлар ҳамда жараёнларнинг турли аспектларини ифодалаган, дейиш мумкин.

²¹ Алишер Навоий. Ўша асар. Т. 12. 31-бет.

²² Ўша асар. 59-бет.

²³ Ўша асар. 111-бет.

²⁴ Ўша асар. 59-бет.

²⁵ Ўша асар. 145-бет.

²⁶ Ҳондамир. Ўша асар. 42-43-бетлар.

C. Азизов

Значение астрономической среды Самарканда и Герата в формировании космогонического мировоззрения Алишера Навои

В статье охарактеризована научная среда XIV-XV веков, сложившаяся в двух ведущих культурных центрах мусульманского мира – Самарканде и Герате. Автор выделяет астрономические открытия этого периода и их влияние на творчество Алишера Навои. На основе богатого материала освещено содержание ценных астрономических наблюдений, часто встречающихся в произведениях гениального мыслителя.

S. Azizov

The importance of astronomical environments of Samarqand and Herat in formation of cosmogonic world outlook of Alisher Navai

In this article is characterized the scientific environment of XIV-XV centuries, which have been in two conducting cultural centres of Muslims world in Samarqand and Herat. The author distinguishes astronomical discoveries of this period and influences rendered by them on creativity of Alisher Navai. On a rich material are shown the valuable astronomical observations, often are meeting in works of the ingenious thinker.

Д. Зияева

XIX-XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ШАҲАРЛАРИ ТАДБИРКОРЛИК ТАРИХИДАН

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кенг тус олган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган. Бугунги кунда ўтмишда бу борада катта тажрибага эга бўлган аждодларимизнинг бу борадаги фамилиялари қизиқиши уйғотиши табиий. Зоро, мамлакатимиз ҳудудидаги

шахарлар жуда қадимдан савдо ва ҳунармандчилик марказлари сифатида нафакат ички эҳтиёжлар, балки қўшни мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларда ҳам мухим роль ўйнаган. Айниқса, Ўзбекистон шахарлари Буюк ипак йўлида Шарқ ва Фарб ўртасидаги алоқаларда мухим ўрин тутган. XV асрга келиб Буюк ипак йўли ўз аҳамиятини йўқотиб, Фарб ва Шарқ ўртасидаги савдо муносабатларида воситачилик ролини йўқотса-да, улар минтақа миқёсида ҳамда қўшни мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларда ўз аҳамиятини саклаб қолди.

Хусусан, XIX-XX аср бошларида мамлакатимиз ҳудудида содир бўлган кескин сиёсий ўзгаришлар иқтисодга салбий таъсир қилса-да, шахарлар ўз иқтисодий мавқенини йўқотмади, аксинча, чукур тарихий илдизларга эга бўлган бой тажриба туфайли маҳаллий аҳолининг ички эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга қўшни мамлакатлар билан ҳам савдо муносабатларини имкон қадар давом этди.

Тарихий манбалар ва адабиётларда сўнгти асрларда шахарлар тарихи ҳақида турли хил маълумотлар сақланган бўлиб, улар орасида айнан маҳаллий тадбиркорлик билан боғлиқ маълумотлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Чунончи, XIX-XX аср бошида ўлкага ташриф буюрган хорижий сайёхлар асарларида бу ҳақда жуда қизиқарли маълумотлар қайд этилган бўлиб, бу масалага жуда синчков ёндашуви билан ажralиб туради.

Масалан, XX аср бошида Туркистонга ташриф буюрган Россиядаги АҚШ элчиси Южен Скайлер ўлкадаги кўпгина шахарларда бўлиб, ўлкадаги савдо, бозорлар, ишлаб чиқариш соҳаларига оид кўпгина қизиқарли маълумотлар тўплайди. Чунончи, у Кўқон шахридаги қофоз ишлаб чиқариш соҳасига алоҳида эътибор қилади. Унинг таърифлашича, Кўқонда мануфактура соҳасида энг эътиборлиси қофоз ишлаб чиқариш бўлиб, бутун Ўрта Осиёни қофоз билан таъминлаган. Эски-туски матолар кетма-кет бостирилиб, зич масса ҳолатига келтирилган ва думалоқ шаклга тўпланиб, сув тўлдирилган идишга жойлаштирилган ҳамда яхшилаб аралаштирилган. Кейин эса бу массани ўтдан қилинган сеткадан сузиб ўтказилиб, ёғоч ромга текислаб тортилган ва текисланган¹. Шу тариқа қофознинг икки тарафи қуритилган. Кейин эса қофозларни ҳаммаси бирга ўралиб, зичланган ҳамда намлик қолмаслиги учун қаттиқ сиқиб, шу ҳолда кейинги кунгача қолдирилган. Эртасига эрталаб очилиб, қуритиш учун деворларга жанубга қаратиб

¹ Schuyler Eugene. Turkestan. Notes of a Journey in Russian Turkestan, Khokand, Bikhara and Kuldja. Vol. 1 / This edition in 2004. (First publication in 1870.) Printed in India. New Delhi, 2004.

осилган. Қоғоз қуригач эса текисланиб, кўриниши тоза бўлиши учун уларга сирач ўсимлигининг илдизи билан ишлов берилган. Кейин эса яна силликланиб, оғир ва текис тош бостирилган. Бу жараён қоғоз нархини икки баробар оширган. Сифатсиз чикқан қоғоз дархол ташлаб юборилмай, тешик ва йиртиқ жойлари ингичка қоғозлар билан ёпиштирилган. Бундай хира қоғозлар яшил ёки пуштига бўялган, улар қалин ва дағалроқ бўлса-да, маҳаллий ёпишқоқ сиёҳларда ёзишга жуда қўл келган. Сифатли қоғозлар эса Ўрта Осиё бозорларида жуда харидоргир бўлган. Ана шундай усулда бир ишчи бир кунда 300 варақ қоғоз тайёрлаши мумкин бўлган.

Южен Скайлер Тошкент шаҳридаги маҳаллий ишлаб чиқариш билан ҳам танишади ва ўз асарида заргарлар, пичоқчилар, кетмончилар, мисгарлар ҳакида хикоя қиласди. Унинг қайд этишича, бир маҳсулот ёки буюмни ишлаб чиқариш бир қанча тармоқларга бўлинган. Масалан, бир устахонада кўзанинг таги ишланса, кейингисида унинг банди тайёрланган, ундан кейингисида қопқоғи тайёрланган, бошқасида эса кўзага нақш ва гул ўйиб туширилган, кейингисида эса кўзалар сотилган².

Муаллиф темир қуиши устахоналарига алоҳида эътибор қаратган. Унинг таърифлашича, темир қуиши устахонасида ёруғлик тушиши учун курилган дарчалар албаттa, жанубга қаратиб курилган ва улардан қуёш нури тушиб турган. Буюм ясалгач, уни қуритиш учун дарча очилиб, қуёшга қаратиб қўйилган. Темир парчалари одатда, тошқўмир билан аралаштирилиб, қаттиқ қиздирилган ва шаклларга куйилган кейин эса текисланган³.

Бундан ташқари муаллиф пойабзal тайёрлаш устахоналари ҳакида маълумот бериб, улардаги калиш, этик тайёрлаш ва бўяш усулларини таърифлаб ўтади⁴.

Ўрта Осиёга 1885 йилда ташриф буюрган Генри Лансдел эса маҳаллий хом ашё асосида тайёрланган бўёқлар, матолар ҳакида кизиқарли маълумотлар қайд этган. Чунончи, унинг қайд этишича, ўша даврда Ўратепада сирач деган ўсимлик жуда қадрланган. Кузда ўсимлик етилгач, кесиб офтобда қуритилган кейин эса майдалаб ям-яшил рангга бўялган ва ундан алебастр ишларида, бўёқни куюлтиришда, пахта йигириш корхоналарида кенг фойдаланилган.⁵

² Schuyler Eugene. Turkestan. P. 177.

³ Ўша жойда. 178-бет.

⁴ Ўша жойда. 183-бет.

⁵ Lansdell Henry. Russian Central Asia (including Kuldja, Bohkara, Khiva and Merv). London, 1885. Vol. 1. P. 558

Бундан ташқари Генри Лансдел Самарқандда тайёрланган турли матолар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Хусусан, унинг қайд этишича, шаҳарда *алатча, алатча-фарангি, калама, фата, хоса, дара, тиёнча, тибитсали, пари-поша, пасма, бекасап, адрас, (ал-чимбар)* деб номланган ўнлаб мато турлари маҳорат билан тайёрланган. Масалан, маҳаллий пахтадан *алатча, калама, фата, хоса, тиёнча* каби матолар тайёрланган. *Алатча* матоси турли хил рангларда бўлса, *калама* матоси оқ рангда бўлиб, унга сариқ, кўк ва қизил йўл туширилган. *Фата* матоси пахтадан энсиз қилиб тўкилган мато бўлиб, ундан асосан белбоғ тайёрланган. Самарқандда бундай мато жуда харидоргир бўлиб, қарийб 40 та дўконда шундай мато тайёрланиб, сотилган. *Хоса* номли оқ пахта матодан яхши кийимлар тайёрланган. Самарқандда бундай матони тўқиёдиган 200 та ишчи бўлган, холос. Бу мато Бухорога, Хивага экспорт қилинган. *Пиёнча* матоси бўлиб, энлироқ тўкилган. Булардан ташқари четдан келтирилган ипдан ҳам пишиқ пахта матолар тўкилган бўлиб, улар *дара* деб аталган.

Генри Лансдел Самарқандда ипак, ярим ипак, жун ҳамда жун ва пахта қўшиб тўкилган маҳаллий матолар ҳам тўкилганлиги ҳақида маълумот беради. Масалан, пахта ва жундан *тибет* матоси, ипак ёки ярим ипакдан оқ ёки ҳаво рангда аёллар кийими учун *пари-пошиа* матоси тўкилган. Булардан ташқари ингичка йўл туширилган *бекасап* ва *басма* номли матолар, сувга ўта чидамли *адрас* ва *ал-чимбар* матолари тўкилган. Адресас ва *ал-чимбар* жуда қадимий мато бўлиб, улар маҳсус ишчилар томонидангина тўкилган.

Самарқанд хунармандлари түяning соч толасидан ҳам жуда сифатли матолар тўкишган. Масалан, қишки кийимлар учун түяning соч толасидан *басма* матоси тўкилган. Бу мато факатгина Ўратепада тайёрланган. Түяning соч толаси ва жундан *босмаи-тивит* матоси тўкилган.

Булардан ташқари қўчманчи аҳоли томонидан *курма, машхата, жуноб, окчатчар* каби аталган матолар ҳам тўкилган.⁶

Дарҳақиқат, қадимдан муҳим савдо ва хунармандчилик марказларидан бири бўлиб келган Самарқанд шаҳри бу даврда ҳам муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлиги, шаҳарда маҳаллий ишлаб чиқариш кенг ривожланганлигини бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди. Чунончи, рус манбаларида келтирилишича, 1860 йилда шаҳарда 1610 та турли устахоналар мавжуд бўлиб, улар тўкимачилик (827 та), шойи тўкиш (15 та), бўёқчилик (42 та), этикдўзлик (162 та) эгар-жабдуқ (63 та), кулолчилик (37 та), тикувчилик (26 та), дурадгорлик (42 та), темирчилик (77 та),

⁶ Ўша жойда. 606-607-бетлар.

чўян куйиш (12 та), фишт пишириш (4 та), ёғ-шам ва совун (34 та) ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди⁷.

Генри Лансделнинг қайд этишича, маҳаллий аҳоли кончилик билан ҳам шуғулланиб, кўпгина минералларни аниқлаган ва улардан унумли фойдаланган. Узок изланишлар туфайли Чотқол, Юкори Чирчик, Талас, Или ва Зарафшон қумларидан олтин топишга ҳам муваффақ бўлган.⁸

Хорижий сайёҳлар маҳаллий бозорлар, савдогарлар, бож усуллари ва кўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар қайд этганлар. Чунончи, Южен Скайлернинг қайд этишича, Тошкентда савдогарлар 32 касабага ўюшган бўлиб, 32 рақами инсон танасидаги аъзолар 32 та эканлиги билан белгиланган. Мануфактура, яъни саноат ишлаб чиқариши ҳам 32 турга ва тармоқка бўлинган. Масалан, пойабзаличилар, ипак тўкувчилар ва ҳоказо. Тошкент бозорида шу 32 турдаги саноат ва савдонинг ҳаммасини кўриш мумкин эди. Бозордаги ҳар бир кўча айни бир тармоқка ихтисослашган. Бир кўчада ипакчилар дўкони, кейингисида заргар маҳалла, бошқасида мисгарлар жойлашган. Бозор дарвозаси олдида карvonсарой бўлиб, у ерда четдан келган савдогарлар, омборхоналар жойлашган⁹.

Унинг таърифлашича, бозорда атторхона бўлиб, у ерда қутилган шифобахш ўтлар, аёллар пардоз ашёлари, ўсма, сурма, упа, хина сотилган. Тошкентдаги қирғиз бозорда эса түяning соч толасидан тайёрланган кийимлар, арқон, ёпинғич ва гиламлар сотилган. Уларни қирғиз аёллари тайёрлаган¹⁰.

Хорижий адабиётларда ўша даврдаги Бухоро ва Хива шаҳарларидаги савдо ва бозорларга ҳам кенг таъриф берилади. Масалан, Жозеф Вольф Бухорода савдо тўхтовсиз давом этганлигини таъкидлайди. Унинг таърифлашича, баланд арқ қилиб ишланган бозорларда савдо ҳар хил тармокларга бўлинган. Ёзниг иссиқ кунларида ҳовузлар сув билан тўлдирилган, мева ва шарбатлар жуда кўп бўлган, айниқса муз кўп бўлиб, ундан иссиқ кунларда кенг фойдаланилган.

Александр Бернснинг қайд этишича, Бухородан четга пахта, жун, ипак экспорт қилинган. Бухоро ипаклари Қобулга ва ҳатто, Ҳиндистонгача йўл топиб борган. Ипак қизил, оқ, яшил, сариқ рангларда тайёрланган. Бухородан тоғлар орқали Панжоб ва Қобулга жун, Эрон, Туркия ва Хитойга эса қоракўл териси экспорт қилинган¹¹.

⁷ Обзор Самаркандской области за 1901 год. Самарканд, 1902. С. 13.

⁸ Ўша жойда. 379-бет.

⁹ Schuyler Eugene. Turkestan. P. 173-174.

¹⁰ Ўша жойда. 181-183-бетлар.

¹¹ Berns Alexander. Travels into Bokhara. 1843. P. 439.

Худди шу муаллиф ўша даврда Хивада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар туяларга ортилиб, карвонлар билан Эрон, Оренбург, Астрахань, Кобулга жўнатилганинги кайд этиб ўтган.

Хорижий сайёхлар бож масаласида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирадилар. Масалан, Жозеф Вольфнинг қайд этишича, Кўқон шаҳрида закот саройи мавжуд бўлиб, 2 қаватли бу катта бинода шаҳар божхонаси ҳам жойлашган. Бош закотчи Мехтар хонасида узун рулон қоғозга төварларнинг нархи, оғирлиги ёзиб борилган. Савдогар бож тўламагунча маҳсулот бозорга кирмаган¹².

Кўқон бозорларини таърифлаб, Генри Лансдел у ерда шойи, Бухоро духобаси, Қашқар бош кийими, дўппи, чўпон, мис кўзалар, заргарлик буюмлари (кумуши кўпроқ, тилласи оғиррок), йўлбарс, қора мушук терилари сотилганинги¹³, шаҳарда савдо жуда кенглиги ва юкори даражаси билан ажralиб туришини кўрсатиб ўтади. Кўқонга 6 та мамлакатдан 56 турдаги мол келтирилган. Кўқондан эса 7 мамлакатга 33 хил товар экспорт қилинган.

Генри Лансдел Хўжанд, Ўратепа, Самарқанд шаҳарларидағи бозорлар ва ишлаб чиқариш усулларини ҳам таърифлайди. Унинг таъкидлашича, Хўжандда 1141 та дўкон бўлиб, уларда ҳам маҳсулот тайёрланган, ҳам сотилган. Бу ерда ипак бўяш ва пахта йигириш энг муҳим хунар ва савдо бўлган. Мазкур шаҳарда 5 та карвонсарой бўлиб, шулардан бири ҳиндлар, яна бири яхудийлар карвонсаройи бўлган. Шаҳарда 2 та бозор бўлиб, уларнинг бирида 510 та, иккинчисида эса 280 та дўкон фаолият кўрсатган¹⁴.

Хуллас, маҳаллий ва хорижий манбаларнинг кўрсатишича, XIX асрнинг 60-70-йилларига қадар Кўқон, Хива ва Бухоро хонликларида ишлаб чиқаришнинг жуда кўп турлари бозорларда кенг ривожланган бўлиб, маҳсулотлар фақатгина ички эҳтиёжларни қондирибгина қолмай, маҳаллий тадбиркорлар саъӣ-ҳаракати билан қўшни мамлакатларга, у хонликдан бу хонликка етказиб берилган.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошида мамлакат ҳудудида содир бўлган кескин сиёсий, маъмурий ва иқтисодий ўзгаришлар, мустамла-качилик тузумининг ўрнатилиши шаҳарлар ҳаётига зиддиятли таъсир кўрсатди. Сиёсий, иқтисодий ва савдо мустақиллигининг барҳам топиши қўшни мамлакатлар билан алокаларнинг кисқариб, чекланишига ва Россия билан алокаларнинг жадал ривожланишига олиб келди, ўл-

¹² Wolff Jozef. Narrative of a Mission to Bokhara in the 1843-45. New York, 1845. P. 5.

¹³ Lansdell Henry. Russian Central Asia. P. 522-523.

¹⁴ Ўша жойда. 550-551-бетлар.

кага четдан саноат маҳсулотларининг кириб келиши маҳаллий ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларининг синишига ва тугашига олиб келди. Айни пайтда ўлкага рус сармоядорлари, иқтисодий муносабатларнинг янги шакллари кириб кела бошлади. Банк-кредит тизими, темир йўллар, саноат обьектлари, савдо-саноат ширкатлари ва фирмалари, савдо биржалари ташкил этилиб, кенгая борди ва улар ўлкада метрополия манфаатлари учун маҳаллий хом ашё ресурслардан кенг фойдаланишда, тадбиркорликни айнан шу мақсадлар йўлида кенгайтиришда катта роль ўйнади. Аммо, маҳаллий ишлаб чиқариш ва бозорлар ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

Мазкур жараёнлар ўлкадаги йирик шаҳарлар ҳаётида яққол аксини топди. Масалан, Самарқанд шаҳри XX аср бошида Тошкент ва Фарғона худудларига маҳсулот тарқатадиган ўзига хос савдо омбори бўлиб, нафақат вилоятдаги, балки Туркистондаги йирик савдо-саноат марказларидан бири эди. Шаҳарда 28 та карвонсарой, 1169 та дўкон, 4 та бозор бор эди¹⁵. Шаҳар бозорларига яқин атрофдаги қишлоқ ва шаҳарлардан кўплаб харидорлар келган. Айниқса, чой савдосида Самарқанд жуда катта ўрин тутар эди.

1888 йилда Красноводск-Самарқанд, 1898 йилда эса Самарқанд-Андижон темир йўлларининг қурилиши шаҳарни Россия империясининг жанубий қисмлари ҳамда ўлкадаги йирик шаҳарлар билан яқиндан боғлади. Айни пайтда Самарқандга рус саноатчилари ва сармоядорларининг фаол кириб келишига ҳамда вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа хом ашёни Россияга олиб кетишга катта имконият юзага келди. Самарқанд шаҳрида ва уездига вилоятдан метрополияга маҳсулот олиб кетиш билан шуғулланувчи ўнлаб савдо-саноат фирмаларининг бўлимлари ва дўконлари фаолият кўрсата бошлиди. Самарқанд шаҳрида уларнинг 117 та дўкони бўлиб¹⁶, улар шаҳардан асосан пахта, ипак, гуруч, чорва маҳсулотлари, хўл мева, вино, чармтери, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россия шаҳарларига, рус маనуфактураси маҳсулотларини эса вилоят аҳолисига етказиш билан шуғулланганлар. Самарқанд Туркистондаги энг йирик виночилик маркази бўлиб, унинг атрофи ва ичкарисида боғдорчилик ва узумчилик кенг ривожланган эди.

Самарқандда саноат корхоналари ҳам кўпайиб борган. Улар асосан хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, чой қадоқлаш, пах-

¹⁵ Масальский В. И. Туркестанский край // Россия. СПб., Т. XIX. 1913. С. 666.

¹⁶ Заorskaya B., Aleksandr K. Промышленные заведения в Туркестанском крае. Пг., 1915. С.73.

та тозалаш, ёғ-мой, кўнчилик, виночилик корхоналаридан иборат эди. 1914 йилда қайд этилган маълумотларга кўра шаҳарнинг янги қисмида пахта, узум ва терини қайта ишлайдиган заводлар сони 55 тага етган¹⁷.

Шаҳар аҳолисининг ички эҳтиёжларини қондиришда маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари муҳим ўрин тутса-да, ўлкада завод-фабрика маҳсулотлари кўпайиб бориши билан маҳаллий косибчилик устахоналари камая бошлайди. Агар Самарканда 1860 йилларда 1610 та турли устахоналар мавжуд бўлса, XX аср бошига келиб уларнинг сони 963 тага тушиб қолади. Устахоналарнинг маълум қисми йириклиниш, бирлашса, маълум қисми завод-фабрика маҳсулотлари билан рақобат қила олмай, ёпилади. Хунармандчиликнинг айрим турлари масалан, игна тайёрлаш умуман тугаб кетади. Бироқ, маҳаллий хунармандлар қисқа фурсатда замонга мослашиб, харидоргир маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириб оладилар. Натижада янги хунарлар, масалан, чой қадоқлаш, соат созлаш, рассомлик, ром, мебель тайёрлаш, турли бўёклар ишлаб чиқиш, дарпардалар тикиш, слесарлик, ойнасозлик каби хунарлар пайдо бўлиб, кенг ривожлана бошлайди.

Бу даврда водий шаҳарларидағи иқтисодий ҳаётда ҳам қизиқарли маълумотлар қайд этилади. Масалан, асрлар давомида водийдаги муҳим иқтисодий марказлардан бири бўлган Марғилон шаҳри ўтган асрларда бўлганидек, бу даврда ҳам Қашқар билан савдо муносабатларида муҳим ўрин тутган. Қашқардан олиб келинган моллар Фарғона вилоятида асосан, Кўқон ва Марғилон бозорларига келиб тушган ва шу ердан бутун Туркистонга тарқалган¹⁸. Савдо соҳасида Марғилон шаҳри вилоят бўйича Кўкондан кейин иккинчи ўринда туради.

Марғилон шаҳрида анъанавий машхур хунарлардан бўлган ипакчилик бу даврда ҳам маҳорат билан давом эттирилган. Марғилон ипагини янада кўпайтириш ва ундан катта даромад қилиш мақсадида хукумат янги Марғилон шаҳрида ипак қурти лабораториясини ташкил этади. Ипакчиликни ривожлантиришда унинг сифатини яхшилаш бўйича изланишлар билан бир қаторда маҳаллий анъаналардан ҳам кенг фойдаланилган. Ипак этиштириш ва унинг сифати бўйича Фарғона водийсида Марғилон биринчи ўринда турап эди. Марғилон ипак матолари Марселга (Франция), Константинополга ва Россиянинг Европа қисмига олиб кетилган¹⁹. Шунингдек, Марғилон ипакчилик маҳсулотларига Хиндистон, Эрон каби мамлакатларда ҳам талаб катта эди.

¹⁷ Обзор Самарканской области за 1906 год. Самаркан, 1907. С. 52.

¹⁸ Ежегодник Ферганской области. Новый Маргелан, 1902. Т. I. Вып. 1902. С. 45-48.

¹⁹ Ўша жойда. 190-191-бетлар.

Ипак толаси ва матолари айникса, Россия билан савдо алоқаларида катта ўрин тутган. Темир йўллар қурилгач, ипак толаси ва матолари олиб кетиш йил сайин кескин ортиб борган.

Марғилонда жуда машхур ва тажрибали ипакчилик иш олиб борганлар. Бу соҳада асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланилган. Масалан, 1901 йилда Марғилонда 9669 уй бекасидан 1638 таси (16%) ипакчилик билан шуғулланган²⁰. Марғилон аҳолиси нафақат ипак, ипак толаси ва атлас матолар, балки, жун ва қоғоз матолар билан ҳам машхур эди.

Ўша даврда Марғилон уезди бошқармасида хизмат қилган Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг қайд этишича, Марғилондаги йирик сармоядор бойлар шаҳарда ҳайрия ва ҳомийлик ишларига маблағ сарфлашга катта эътибор каратганлар. Улар ўз ҳисобларидан ҳаммом, корхона, янги масжид, мактаблар барпо этиб, эскиларини таъмирлаганлар, бозорларни таъмирлаб, янги расталар қурдирганлар. Муҳаммад Азиз Марғилоний ўз асарида 15 та тужкор ва нуфузли кишиларнинг исм-шарифларини келтириб, уларнинг ҳайрли ишларини кўрсатиб ўтади²¹.

Манбаларда қайд этилишича, Фарғона водийсидаги Қўқон, Андижон, Наманган шаҳарлари даги йирик савдо-саноат корхоналари эгаларининг асосий қисмини энг аввало, Москва фирмалари вакиллари, улардан кейин эса маҳаллий яхудийлар ташкил этса, Марғилонда уларнинг кўпчилиги асосан маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат эди²².

Бу даврда Фарғона вилоятидаги иқтисодий ҳаётда Қўқон ва Андижон шаҳарлари муҳим ўрин тутган. Қўқон шаҳри нафақат вилоятдаги, балки Туркистондаги муҳим савдо марказларидан бири бўлиб, бу соҳада Тошкент ва Бухородан кейин 3-ўринда турган. Қўқон шаҳри Қашқар билан савдода муҳим ўрин тутган, шаҳарда Қашқардан келтирилган товарлар катта омборларга жойлаштирилиб, кейин бутун ўлкага тарқатилган. Шаҳардан Қашқарга мунтазам равишда қатнаб турадиган аравакашлар кўп бўлган.

Қўқонда маҳаллий ишлаб чиқаришда кўнчилик, ип ийгириш, ипакчилик соҳалари муҳим ўрин тутган. 1876 йилда шаҳарда 67 та тери ус-

²⁰ ЎзР МДА. 19-фонд, 1-рўйхат, 1170-жилд, 181-бет.

²¹ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихий Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида). Нашрга тайёрловчилар, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Вохидов, Дилорам Сангирова. 1999. 66-67, 87-90-бетлар. Ушбу асарнинг тўлиқ матни кўлёзма шаклида ЎзР ФА нинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёзмалар фондида 11108-раками билан сакланмоқда.

²² Статистический обзор Ферганской области за 1905 год. Скobelев, 1908. С. 67.

тахонаси, 232 йигириув устахоналари, 276 та ипак, 428 та савдо ёймаси ва 1 та ғишт қўйиш устахонаси бўлган²³.

Ўлкага рус капитали ва тадбиркорларнинг кириб келиши муносабати билан Кўқонда ҳам қўплаб завод-фабрикалар, банклар, савдо фирмалари юзага келади, шаҳарда завод-фабрикаларнинг қўпайиб бориши билан маҳаллий хунармандчилик устахоналари камайиб борган. 1898 йилда шаҳарда темир йўлнинг ўтиши туфайли бу ер заводлари, ёф заводи, вино, тамаки корхоналари кескин ривожланиб боради. Кўқонда 20 та пахта тозалаш заводи, 4 та ёф ишлаб чиқариш заводи, буғ ва сув заводлари, 8 та банк иш олиб борган.

Айни пайтда турли тижорат фирмаларнинг қўплаб кириб келиши туфайли Кўқонда савдогарлар ҳам қўпайиб боради. Савдо масаласида Кўқон Фарғона вилоятида биринчи ўринда, Туркистон бўйлаб иккинчи ўринда турарди. Вилоят савдо айланмасининг 41,3 фоизи шу шаҳарга тўғри келарди²⁴.

Кўқон Россиянинг Хитой билан олиб борган чой савдосида ҳам катта ўрин тутган. Шаҳарда Россиянинг чой билан савдо қилувчи ўнлаб фирмалари иш олиб борган. Кўқон пахта, ипак, қуруқ мева, чой бўйича улгуржи савдо маркази эди.

Вилоятнинг яна бир муҳим иқтисодий маркази Андижон шаҳри бўлиб, савдо муносабатларида муҳим ўрин тутган. Андижон шаҳри ҳам Қашқар билан кенг савдо алоқалари олиб борган. XIX аср охирида шаҳарда 1646 та ёйма, 22 та карвонсарой, 20 та савдо маркази бор эди²⁵.

Андижонда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари кенг ривожланган бўлиб, 1876 йилда шаҳарда жами 2000 га яқин хунармандчилик устахоналари ҳисобга олинган²⁶. Аммо XX аср бошида ўлкага Россиядан фабрика маҳсулотларининг кириб келиши кенгайиб бориши билан шаҳардаги мато, сопол, тери ва совун тайёрлаш каби хунарлар касодга учрайди. Лекин, бу қўпроқ майда хунармандларга тегишли бўлиб, йирик хунармандлар ўз ишлаб чиқаришини сақлаб қолиш учун иш қуролларини такомиллаштирадилар, хунармандчиликнинг тери тайёрлаш ва мато тўкиш соҳалари сақланиб қолади.

Андижонда саноат корхоналари йил сайин қўпайиб боради ва на-тижада шаҳар водийнинг саноат марказига айланади. XX аср бошига келиб шаҳарда саноат корхоналарининг сони 62 та бўлиб, шундан 26 таси пахта тозалаш заводи эди. Шу сабабли Андижон шаҳрининг сав-

²³ ЎзР МДА, И. 276-фонд, 1-рўйхат, 123-иш, 25-26-бетлар.

²⁴ Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана. СПб., 1911. С. 299.

²⁵ Туркестанские ведомости. 1888. 9 декабря.

²⁶ ЎзР МДА, И. 276-фонд, 1-рўйхат, 117-иш, 10-11-бетлар.

до муносабатларида пахта ва пахта ёғи савдоси муҳим роль ўйнаган, бундан ташқари шаҳар савдосида қуруқ мева, тери, жун катта ўрин тутган.

Бу даврда ўлканинг маъмурӣ, сиёсий ва маданий маркази бўлган Тошкент шаҳрининг иқтисодий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди, аммо анъанавий ишлаб чиқариш ва бозорлар ўз аҳамиятини йўқотмади. Чунончи, XIX аср охирида Тошкентда 6 та йирик бозор – Чорсу бозори, Ўрда бозори, от бозор, қовун бозор, намат бозор, кўй бозорлари ҳамда кийим-кечак, озиқ-овқат, атторлик ва бошқа турдаги маҳсулотлар билан савдо қиласидиган ўнлаб бозорлар мавжуд бўлган. Маҳалла гузарларида, аҳоли гавжум ерларда, карвонсаройларда дўконлар, кичик бозорчалар, савдо расталари фаолият кўрсатган. Шаҳарда жами 598 та баққоллик дўконлари, 190 та галантнерея моллари дўконлари²⁷, 36 та китоб расталари фаолият кўрсатган²⁸.

Тошкент ўлканинг муҳим савдо маркази бўлиб, вилоятлар ва қўшни мамлакатлар билан савдода муҳим ўрин тутган. Шаҳарда бу даврда жами 29 та карвонсарой бўлиб²⁹, уларнинг кўпчилиги айни бир маҳсулот савдосига, масалан, пахта савдоси ёки бошқа маҳсулотлар билан савдо килувчи савдогарларнинг тўхташи ҳамда уларнинг молларини сақлашга ихтисослашган.

Тошкентда маҳаллий ишлаб чиқариш тизими ниҳоятда кенг ва турлича бўлиб, 1912 йилга оид манбаларда 32 турдаги устахоналар қайд этилади. Бу устахоналар пойабзал, баққоллик, мисгарлик, темирчилик, чўян қувиш, чарм маҳсулотлари, заргарлик, ёғочсозлик, тунукачилик, гиламдўзлик, шойи ва бошқа матолар тўқиши, эгар-жабдуқ, сандик, қандолатчилик, кулолчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, умумий хисобда жами 500 дан ортиқ бўлган³⁰.

Юқорида қайд этилган тарихий маълумотлар асосида хулоса килиб шуни қайд этиш мумкинки, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш, ишбилар-монлик ва тадбиркорлик жуда чукур тарихий илдизларга эга бўлиб, маҳаллий аҳоли жуда қадимданоқ маҳаллий ресурслар асосида сифатли маҳсулот тайёрлаб, ўз ички эҳтиёжларни қондира олган. Бу маҳсулотлар нафакат Ўрта Осиё бозорларида, балки қўшни мамлакатларда ҳам харидоргир бўлиб, Эрон, Хиндистон, Афғонистон, Қашқар, Россия, Туркия каби мамлакатларга етиб борган ва қадрланган. XX аср бошига ке-

²⁷ Добросмыслов А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. С. 410.

²⁸ ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 22818-иш, 314, 376-бетлар.

²⁹ Добросмылов А. И. Кўрсатилган асар. 410-бет.

³⁰ Ўша жойда. 410-бет.

либ, маҳаллий ишлаб чиқариш усулларининг кўпи ўрта аср даражасида қолиб, эскириб қолганлигига қарамай, улардан ички эҳтиёжлар учун маҳсулот етиширишда кенг фойдаланилган. Шаҳарларга завод ва фабрикаларнинг кириб келиши ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларини, хусусан тўқимачилик, виночилик, ёғ-мой, пахта тозалаш, ипакчилик каби хом ашёни қайта ишлаш соҳаларини машиналаштиришга олиб келган. Бошқа соҳалар эса хусусан, темирчилик, мисгарлик, кийим-кечак ва пойабзал тайёрлаш, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, чилангарлик, мисгарлик, тикувчилик каби соҳалар анъанавий усулларда давом этган. Айниқса, бозорлар бу даврда ҳам аҳамиятини йўқотмаган ва анъанавий тартибларда фаолият кўрсатган.

Бу даврда Туркистонга банк-кредит тизими, савдо биржалар, савдо-саноат ширкатлари, транспорт конторалари, завод-фабрикалар, акционерлик жамиятларининг кириб келиши иқтисодий ҳаётни жонлантириб, бу соҳада янги шаклдаги муносабатларга асос солди. Улар таъсирида ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларини машиналаштириш, йириклиштириш ва товар-пул муносабатларини кенгайтириш, маҳаллий ресурслар, хом ашёни истеъмолга киритишни жадаллаштириш жараёни бошланди. Аммо, бу янгиликлар самарасидан асосан, уларнинг ташаббускори бўлган хорижий сармоядорлар ва метрополия фойдаланганлиги ҳамда иқтисодий мустакиллик йўқлиги сабабли мазкур ўзгаришлар маҳаллий аҳоли фаровонлигига ва иқтисодий тараққиётига эмас, балки метрополия эҳтиёжларини қондириш ҳамда хорижий сармоядорларни бойитишга хизмат қилди. Бундай шароитда ички эҳтиёжларни таъминлашда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ва бозорлар мухим роль ўйнади.

Д. Зияева

Из истории предпринимательства в городах

Туркестана XIX – начала XX века

В статье на основе мемуаров зарубежных путешественников, а также архивных сведений освещаются вопросы местного предпринимательства в городах Туркестана в XIX – начале XX в. Приведены интересные данные о местном производстве отдельных товаров, к примеру, бумаги в Коканде, тканей в Бухаре и т. д. Представлены сведения о состоянии местных рынков в городах Туркестана, а также об экспорте товаров местного производства в соседние страны.

D. Ziyaeva
**From the history of business in the cities of Turkestan
(XIXth and beginning of XXth Centuries).**

In these article on the basis of memoirs of foreign travellers, and also archival data, took up questions of local business in the cities of Turkestan at the XIXth and in the beginning of XXth Centuries. There many interesting information about the local manufacture, for example papers in Kokand, fabrics in Bukhara. Except for that in article interesting information about the local markets in the cities of Turkestan, and also about the export of local manufactured goods to the neighbouring countries.

У. Рашидов

ҚИЗИЛ АРМИЯНИНГ «ҲИСОР ЮРИШИ» ВА ШАРҚИЙ БУХОРОДА СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

1920 йил август-сентябр ойларидаги қизил армиянинг амирлик пойтахти Эски Бухорони шафқатсизлик билан ўқка тутиб бомбардимон килиниши, шаҳар обидалари ва минглаб бегуноҳ ахолининг нобуд бўлиши Амир Олимхонни шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур этди. Акс ҳолда, шаҳар химояси давом эттириладиган бўлса янада кўпроқ талафот кўрилиб бегуноҳ одамлар нобуд бўлиши, шаҳар тўлиқ вайрон этилиши мумкин эди. Шуларни инобатга олиб Амир Олимхон 1920 йил 31 августдан 1 сентябрга ўтар кечаси шаҳарнинг Самарқанд дарвозасидан чиқиб, Ситораи Моҳи Хосса (амирнинг ёзги саройи), Вобкент, Гиждувон ва туғилган она шаҳри Кармана орқали Шарқий Бухорога (ҳозирги Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Тожикистон) чекинди. У ўзининг 1000 кишилик соқчилари билан шу дараҷада тез ҳаракат қилдиким, улар 2 кунда 200 км йўл босиб 3 сентябрда Фузордан 20 чақирим шимолдаги Чимқўрғон қишлоғига етиб келдилар¹. Қизиллар таъкибидан узоклашган амир шундан сўнг анча секин юриб, йўл-йўлакай сафарбарлик ўтказди ва 12 сентябрда Душанбега келди.

Олимхон ва унинг сарбозлари Душанбеда бир кун тўхтаб, 14 сентябрда Қўрғонтепага жўнаб кетди. Ҳамма ерда амир Бухорони боль-

¹ Васильевич В. Бонапарт из Локая // За партию. 1927. № 3. С. 124.

шевиклардан қайтариб олиш ва ўз ҳокимиятини қайта тиклаш ниятида сарбозлар тўплади, янги армияни керакли ҳарбий анжомлар, отлар ва озиқ-овқат таъминлаш билан шуғулланди. Шу фурсаатда 15 сентябр куни Бухородаги большевиклар қўлидан зўрға қочиб кутулган күшбеги Низомиддин Урганжий 300 кишилик навкари билан амир хузурига келди. У Бухоро ва Когондан бўлак шаҳарларда большевиклар йўқлигини ва куч тўплаб Бухорони олиш мумкинлигини ва амирга Душанбени вақтинча пойтахт килишни маслаҳат берди. Аммо доим фойтунда юрган күшбеги эгарланган отда юришга ўрганмаганлиги сабабли тасодифан отдан йиқилиб бели синади ва сафдан чиқади. Олимхон ўзининг содиқ бош вазирини йўқотгач, унинг ўрнига Ҳисор хокими Авлиёқулбекни бош вазир лавозимига тайинлади².

Олимхон қизил армияга қарши урушга тайёрланар экан, Бойсун, Шеробод ва Калифга маҳсус кишилар юбориб, большевикларнинг ҳаракати тўғрисида маълумот тўплади. Шу воқеалар давом этा�ётган кунларда Лақай қабиласининг сардорларидан бири Иброҳимбек Олимхон хизматига ўтиб Коровулбеги (кўшин кўмандони) унвони билан бутун Лақай ва Ҳисорда сафарбарлик ўтказди. Натижада амир армияси ноябр ойининг ўрталарига келиб, 15 минг кишига етди. Аммо, армияни куроллантириш ва уни таъминлаш учун катта микдорда маблағ керак эди. Хазина қизиллар томонидан олинган. Амир ўзи билан олиб келган олтиналар бу катта харажатларга етмайди, шу боис, Душанбедаги Ҳисор беклиги хазинасидан 1 млн. сўм олинди ва қоғоз пул чиқаришга қарор қилинди. Лекин Душанбеда турли бўёқлар йўқлиги сабабли чиқарилган 20 яшик қоғоз пул оппоқ ҳолича зарб этилди³.

Бизнинг тарихий адабиётимизда ўрнашиб колган «амир хазина»нинг катта қисмини ўзи билан олиб кетган», деган фикрлар ҳалқни чалғитишдан бўлак нарса эмас. Аслида Арк ишғол этилгандан кейин бу хазина қизил армия томонидан талаб олиниб, аллақачон Москвага жўнатилган эди.

Амир ихтиёрида эса фақатгина отаси Аҳадхон тириклигига Лондон банкига қўйилган 20 млн. сўм пулнинг чеки қолган эди, холос. Олимхон большевикларга қарши курашга тайёрланар экан, шу пулга умид боғлаб Буюк Британиядан ёрдам сўраб мурожаат қилди. Англия 1920 йилдан бошлаб, Машҳад ва Қошғар орқали амирга қурол-аслаҳа ва бошқа анжомлар билан ёрдам беришга ваъдалашди⁴.

² Ф и т р а т . Амир Олимхоннинг хукмронлик даври. Тошкент, 1992, 52-бет.

³ В а с и л ь е в и ч В. Бонапарт из Локая. С. 125.

⁴ Б а б а х о д ж а е в А. Х. Провал английской политики в Средней Азии и на Среднем Востоке (1918-1924). М., 1962. С. 85.

Сайд Олимхон совет давлатига қарши курашиш максадида Ўрта Осиёдаги барча совет тузумига қарши ҳаракат раҳбарлари: Жунайидхон, Шермуҳаммадбек ва бошқа қўрбошилар билан иттифоқ тузиб, қизилларга қарши уруш эълон қилди.

1920 йилнинг ноябрига келиб, амир қўшинлари Шарқий Бухоронинг катта шаҳарлари бўлмиш Бойсун, Шеробод, Кўлоб ва Фарм вилоятларида мустаҳкамланди. Амир ихтиёрида 15 минг сарбоз ва бир неча юз аффон ёлланган аскарлари ҳам мавжуд эди. Инглиз инструкторлари ёрдамида Душанбеда қурол-аслаҳа ва пороҳ ишлаб чиқарадиган корхона ҳам курилди. Амирнинг бу хатти-ҳаракати Туркистондаги совет ҳукумати ва қизил армияни ташвишга солди. Тезда Олимхонни бутунлай тор-мор этиш режаси ишлаб чиқилди.

Сайд Олимхон ҳали Шарқий Бухорода тўлиқ ўрнашиб улгурмасданоқ Туркфронт қўмондони М. В. Фрунзе Бухоро-Самарқанд жангчилар группасига 4 сентябр куни куйидагича буйруқ берган эди: «Қиска вакт ичиди амирни тор-мор қилиб, Шарқий Бухоронинг муҳим пунктлари – Шеробод ва Бойсунда совет ҳокимияти ўрнатилсин. Термиз гарнизони билан мустаҳкам алоқа килишга эришилсин»⁵.

РКП(б) МК ва Турккомиссия ҳам Шарқий Бухорони советлаштирамай туриб, Шарқдаги режалар амалга ошмаслигини ҳисобга олиб, Шарқий Бухорога маҳсус экспедиция уюштиришни лозим топди⁶.

1920 йилнинг 17 октябрида РСФСР нинг Бухоро Республикасидаги фавқулодда ишлар вакили В. В. Куйбишев Туркистон фронти қўмондонидан Ҳисорни «озод» этиш учун алоҳида армия ташкил этишни сўради. Шунга мувофиқ 1920 йил 9 ноябрда 1-армия қўмондони Г. В. Зиновьевнинг буйруғига биноан Б.Х.С.Р. ҳудудидаги барча қўшинлардан Бухоро жанговар гуруҳи ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси Ҳисорга юриш қилиб, амир армиясини тор-мор этишдан иборат эди.

Бухоро Халқ Республикасининг ҳарбий нозири Ю. Иброҳимов ҳомийлигида 1920 йилнинг 27 ноябрдан эътиборан таркибида 16-отлик полк, 1-Туркистон дивизиясининг 3-бригадаси, 5 ва 6-отлик полк, отлик тоғ артиллерия батареясидан иборат В. Марсов қўмондонлигидаги Ҳисор экспедицион отряди ташкил этилди. Экспедицияда иштирок этадиган аскарларнинг барчаси (жами 7,5 минг киши) фуқаролар уруши оловли фронтларини ўтаган, саралаб олинган тажрибали жангчилардан иборат эди⁷.

⁵ И рака е в М. История гражданской войны в Таджикистане. Душанбе, 1971. С. 211.

⁶ История гражданской войны в Узбекистане. Ташкент, 1970. Т. II. С. 315.

⁷ Х а т а м о в Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. Душанбе, 1997. С. 311.

Ҳисор экспедицияси амир кўшинлариға нисбатан сон жиҳатидан кам бўлса-да, аммо техник жиҳатдан яхши қуролланган эди. Унинг ихтиёрида 22 та пулемёт ва иккита отда тортиладиган тоғ тўплари мавжуд эди. Шу билан бирга замонавий алока воситалари телефон, телеграф ва авиаация хизмати ҳам йўлга қўйилган эди.

Шарқий Бухорони қурол кучи билан советлаштириш учун дастлабки ҳаракат 1920 йил декабридан бошланди. Олимхон ихтиёридаги сарбозлар қизил армия қисмларини Шарқий Бухоро ичкарисига киритмаслик мақсадида 1920 йил 14 декабр куни Термиз тракти орқали Дарбанд ва Ғузор йўналишига 1500 отлик аскар билан хужумга ўтди ва бу аҳоли пунктларини ишғол қилди⁸.

Бунга жавобан, 1920 йил 17 декабря Ҳисор отряди ўз кароргохи бўлмиш Қаршидан чиқиб, Дарбанд йўналишида хужумга ўтди. Деярли бир кун тинимсиз давом этган жанг давомида шаҳар 2 маротаба қўлдан-қўлга ўтди. Аммо тўп ва замбараклар ўз устунлигини кўрсатди. Кечга яқин амир сарбозлари Бойсунга чекинди. Дарбанд эса қизил аскарлар томонидан ишғол этилди.

24 декабр куни қизил отрядлар Бойсунга хужум уюштирилар. Ҳар иккала томондан ҳам катта талафот кўрилди. Жумладан, экспедиция раҳбари Марсов ҳам ҳалок бўлди. Лекин қизиллар Бойсунни ишғол қилдилар, шу куни Шаҳрисабз ҳам қўлдан кетди.

Янги кучлар ва ғалабалардан руҳланган қизил армия 27 декабря Чироқчи ва Китобни ҳам эгаллади. 28 декабр куни 28 ва 61-сонли бронепоезд ҳамда отлик полк кўмагида Яккабоғ ҳам ишғол қилинди. Шу тариқа Ҳисор экспедициясининг биринчи даври тугади. Янги, 1921 йил арафасида қисқа нафасни ростлаб олиш даври бошланди. Бу фурсат ичида ҳар иккала томон ҳам ҳал қилувчи жангларга тайёргарлик кўрди. Шарқий Бухородан қайтган Туркистон фронти Инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси Кушнев бу воқеалар тўғрисида қуйидагича ахборот берган эди: «Амирнинг худуди кундан-кунга қисқариб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб Олимхон ёки тоғларга чекинади ёки мамлакат ҳудудини ташлаб, чет элга кетиши мумкин. Унинг ихтиёрида Ҳисор, Бойсун ва Файзиобод қолди. Армиясининг сони ҳам 500 кишини ташкил этади⁹. Амирнинг илтимосига кўра, бу вақтда Англия ҳукумати 3-4 карвон милтиқ ва патрон юборди¹⁰.

⁸ Ўша ерда. 316-бет.

⁹ История Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924). Сборник документов. Ташкент, 1976. С. 243.

¹⁰ И рака в М. Кўрсатилган асар. 210-бет.

Шарқий Бухорода янги сафарбарлик ўтказилиб Иброҳимбек, Фузайл Махсум, Давлатмандбий ва Эшон Султон қўшинлари кучайтирилди.

Қизил армия ҳам янги қисмлар билан кучайтирилди, жумладан, Туркфронт қўмондонининг буйруғи билан 1921 йил январда Ҳисор экспедицияси таркибидаги 1-отлик дивизия 8 ва 13-Туркистон ўқчи полклари, 3-чегарачилар дивизияси, 3-енгил артдивизия ва Термиз гарнizonи кўшиб олиниб, экспедициянинг шахсий таркиби 7,5 минг кишидан 8360 кишига етказилди¹¹.

Қизил армия ўз экспедициянинг иккинчи босқичини 1921 йил февралда бошлади. Туркфронт қўшинлари 15-17 февралда Юрчи, Денинов, Сариосиёни ишғол этиб, Ҳисорга томон ҳаракатни давом эттиридилар. 19-21 феврал кунлари амирнинг қароргохи жойлашган Душанба кишлоғи учун жанглар бошланниб кетди. 21 февралда Олимхон Кўлобга чекинди. 23 февралда Коғирниҳон ва Файзибод ҳам олинди¹². Навбат Кўлобга келган эди, чунки Олимхонни тирик кўлга олиш режаси тайёрланган эди. Феврал ойининг охирларида Ф. Хўжаев махсус одам юбориб, Олимхонни унинг жонига қасд қилинишидан огохлантириди. Шундан сўнг Олимхон ўзининг икки қиёфадошини қолдириб, Афғонистонга ўтишга тараддуд кўради¹³.

1921 йил феврал ойининг охирларида қизил армия Кўлобни ишғол қилишга шошилди. 24 февралда бошланган бу жанг жуда шафқатсиз бўлди. Техник жиҳатдан устун бўлган совет қўшинлари 25 февралда Кўлобни ишғол қилди. Давлатмандбий ва Олимхон Болжувонга, Иброҳимбек эса тоғларга чекиниб яширинди. 5 марта эса амир Сайд Олимхон Чўбак деган жойдан Амударёни кечиб ўтиб, Афғонистонга ўтиб кетди. Шундай қилиб, Ҳисор экспедицияси ўз олдига қўйилган вазифани бажарди, яъни Шарқий Бухорода қурол кучи билан бегуноҳ конлар эвазига совет хокимиятини ўрнатди.

Бу «ғалабалар» тўғрисидаги хабарни хурсандчилик билан эшитган РСФСР қуролли кучларининг бош қўмондона С. С. Каменев махсус буйруқ билан Туркистон фронтини табриклаб, қуидагиларни ёзди: «Шарқий Бухорони амир аскарларидан 20-27 февралда, яъни бир хафта ичida тозалашдаги алоҳида ҳизматлари учун 1 ва 2-отлик полк, 8-ўқчи полк ва 1-отлик тоғ батареяси инқилобий Қизил Байроқ билан мукофотлансин»¹⁴.

¹¹ История гражданской войны в Узбекистане. Т. II. С. 317.

¹² История Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924). С. 244.

¹³ Ўзбекистон овози, 1993 йил, 14 октябрь.

¹⁴ ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 118-варак.

Аммо ҳар иккала томон учун ҳам катта талафотли бу «ғалаба» унча мустаҳкам эмас эди. Энг аввало, бу экспедиция Шарқий Бухоро халқи бошига кўй кулфатлар олиб келди. Жумладан, Туркистон фронти сиёсий бошқармаси, экспедиция корпуси сиёсий бўлимининг 1921 йил 19 апрелдаги ҳисоботида бу воқеалар қуидагича тан олинган: «Факат ҳарбий характердаги мақсадларга қаратилган Ҳисор юриши ўзини оклади, ёмон қуролланган рақиб бирорта очик жангни қабул қила олмади. Бироқ, бизга душман бўлмаган минглаб ерли аҳоли курбон бўлди. Бухородаги янги ҳокимият аҳоли ишончини қозонган эмас, очиқдан очик тўполон ва норозилик эшитилмаса ҳам босиқ нафратланишини ҳис этиш мумкин эди»¹⁵.

Қизил армиянинг «Ҳисор юриши» оқибатида Шарқий Бухоро аҳолисининг аҳволи янада ёмонлашди. Тоғ шароитида (тоғли Бухоро ҳам деб аталади) дехқончилик учун шароитнинг йўқлиги аҳолининг асосан чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланиши амирлик даврида ҳам халқнинг 60-70 фоизини қашшоқлик ҳолатига маҳкум этган эди. Қизил армия Шарқий Бухорони босиб олгач, аҳолининг иқтисодий ҳаёти янада ёмонлашди. Бунинг қуидаги сабаблари бор эди:

1. Янги хукуматнинг қарори билан Шарқий Бухородаги қизил армияни маҳаллий аҳоли боқиши керак эди. 8-9 минг аскарни боқиши оддий дехқонлар учун осон эмас эди.

2. Тоғ шароитида армия учун маҳсус ҳарбий казармалар бўлмаганини дехқонлардаги оддий дехқон ва чорвадорларнинг уйлари, мачит ва мадрасалар казарма ва отхоналарга айлантирилди.

3. Кўп ҳолларда қизил армия ўз-ўзини таъминлашга ўтиб, ҳарбий интизом йўқлиги сабаб аҳолини зўравонлик ва кўрқитиш билан таш ҳолатларига ўтди. Ҳатто, қизиллар одамларнинг уйларини бузиб ёғочларини иситиш мақсадида фойдаланишди.

Бу ҳолатлардан ранжиган халқ тоғларга қочиб кетишга мажбур бўлди. Натижада қишлоқлар хувиллаб қолиб экинлар экилмай, қашшоқлик даражаси яна ошиб кетди.

Шу тариқа Шарқий Бухородаги қизил армиянинг халққа қарши сиёсати, талашлар, бегуноҳ одамларнинг қирилиши, маҳаллий аҳоли урфодатларининг поймол этилиши натижасида қизил армияга қарши омманинг ялпи исёни бошланиб кетди. Бу кураш 30-йилларнинг бошигача давом этди.

¹⁵ Родина. 1989. № 11. С. 36.

У. Рашидов

«Гиссарский поход» Красной армии и установление Советской власти в Восточной Бухаре

В статье освещаются военные события 1920-1921-х годов в Восточной Бухаре непосредственно после свержения власти эмира Сайида Алимхана, вошедшие в историческую литературу под названием «Гиссарского похода», военные действия Красной армии в Восточной Бухаре, принесшие бедствия дехканству.

U. Rashidov

«Gissarian campaign» of Red Army and an establishment of the Soviet authority in East Bukhara

In the article are covered military events 1920-1921 in East Bukhara directly after overthrow of authority of emir Sajid Alimkhan. Military actions of Red Army in East Bukhara, the brought incalculable disasters to dekkhans, in the historical literature have named as «Gissarian campaign».

* История гражданской войны в Узбекистане. Т. II. С. 31.
** История Февральской Народной Советской Республики (1920-1924). С. 244.
*** Узбекистон шахри, 1994 йил, 14 септебр.
**** УзБРДСР. Шифров. Г-ротаси, 1920-йил, 12-негар. № 11. С. 39. № 11. С. 39.

Тарихшунослик

Д. Атаджанова

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ «РИСОЛА» СТРАН ВОСТОКА

Одним из важнейших источников по истории ремесленного производства являются уставы-обрядники – рисола. Изучение их текстов позволяет расширить эмпирические знания об устройстве ремесленных цехов и существовавшей внутри них иерархии, инструментарии, сырье, а также о некоторых приемах технологии производства. Кроме того, они отражают определенный уровень грамотности в ремесленнической среде и строго регламентированный институт ученичества. Значение рисола как источника, способного «пролить свет» на различные виды ремесленного производства и ремесленную продукцию, отмечалось еще исследователями конца XIX в.¹

В науке нет определенного мнения по поводу того, что означает слово «рисола». Этот термин арабского происхождения имеет несколько значений – послание, письмо, трактат, рассуждение, брошюра, миссия и т. п.

Как полагают некоторые ученые, определенное влияние на структуру рисола оказали греческие послания². Н. О. Петровский и В. М. Наливкин считают, что рисола – это «послание». По мнению П. А. Комарова, рисола это «поучение, посланное апостолами»³. У А. Ф. Миддендорфа рисола – это нечто среднее между молитвенником и правилами поведения, своего рода катехизис, который был составлен в XIV в.⁴ По словам Н. Лыкошина, «рисола – это исторический очерк каждого известного туземцам промысла..., в котором перечисляются те нравственные качества и достоинства, которые необходимо развивать в себе ремесленнику для того, чтобы призвать благословение Божье»⁵. М. Ф. Гаврилов считает, что «рисола – книжечка небольшого формата, содержащая в себе предания о данном ремесле и наставления ремесленнику»⁶.

Изучая и анализируя рисола, многие исследователи отмечали их небольшой книжный формат, однако А. Н. Самойлович приводит сведения об отдельных рисола в виде свитков, склеенных из разноцветной бумаги.

¹ Комаров П. А. Несколько слов о рисола // Туркестанские ведомости. Ташкент, 1901. № 45.

² De Brujin J.T.P. Risala / Encyclopedie de l'islam. V. 8. Leiden, 1995. P. 550-562.

³ Лыкошин Н. С. Оригинальное наставление к стрельбе // Туркестанские ведомости. Ташкент, 1901. № 38.

⁴ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882. С. 354.

⁵ Лыкошин Н. С. Оригинальное наставление к стрельбе.

⁶ Гаврилов М. Ф. Рисола сартовских ремесленников. Ташкент, 1912. С. 1.

ги, длиною в 2 аршина $12\frac{1}{2}$ дюймов⁷ (не считая полоски без текста в 6 дюймов для обертывания свернутого в трубку свитка) и шириной в $4\frac{1}{4}$ дюйма⁸. Нам также удалось обнаружить несколько объемных рукописей, например, «Рисола-и бофандаги», «Рисола-и охангари»⁹, составленных в виде книги. Можно предположить, что первоначально составлялись рисола больших объемов, включавших обстоятельную информацию по той или иной отрасли ремесла – от договора и молитвенника до описания технологических приемов. Позже переписчики, очевидно, сокращали текст, оставляя, по их мнению, лишь самое необходимое, нередко внося свои мысли, взгляды и идеи. В некоторых рисола в качестве эпилога иногда приводятся стихи, характер и содержание которых зависели от эстетических интересов переписчика, его собственного вкуса. Известны и парадные рисола, обложки которых украшались медальонами (зачастую позолоченными)¹⁰ с подвесками¹¹.

На наш взгляд, рисола – это не только трактаты о разнообразных отраслях ремесла, в которых содержатся наставления ремесленникам, но и сведения об организации отдельных специальностей и видов деятельности, характерных для среднеазиатских городов, например «рисола содержателей чайных», «рисола военных», «рисола по уходу за животными» и др. Рисола передавались из поколения в поколение, они были индивидуальны для каждой специализации ремесленников.

Рисола бывают нескольких типов. Например, часть рукописей под этим названием содержит в себе описание религиозных ритуалов, святых мест, жития святых¹², толкования снов, инструкции по составлению различных элексиров и т. п. Часть рукописей под названием «рисола» – это своеобразные литературные альманахи, в которых, наряду с отрывками из произведений классиков персидской литературы, помещены оригинальные произведения: стихи, чаще – проза местных авторов. В некоторых рисола имеются нехарактерные отступления, например, в «Рисола-и музадузи» (устав сапожников) содержатся сведения о принятии ислама

⁷ Дюйм – единица длины в английской системе мер, равная $1/12$ фута, или 2.54 см; единица длины в русской системе мер 1 д. = $1/28$ аршина. См.: Словарь иностранных слов. М.: Русский язык, 1988. С. 181.

⁸ Самойлович А. Н. Туркестанский устав-рисола цеха артистов // Материалы по этнографии. Т. III. Вып. 2. Л.: Изд-во Гос. русский музей, 1927. С. 53-56.

⁹ ИВ АН РУз. Рукописный фонд, инв. № 4120 и № 4180.

¹⁰ Самойлович А. Н. Туркестанский устав-рисола цеха артистов. С. 299.

¹¹ Каталог суфийских произведений XVIII – XX вв. из собраний Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз / Составители Бабаджанов Б., Гулямов С., Зиядов Ш., Комилов М., Муминов А., Тошев Н., Тошева Ш. Штутгарт: Franz Steiner Verlag, 2002. С. 295-300.

¹² Рисола-и хайоти. ИВ АН РУз. Инв. № 5320, л. 4 -5а, б.

иноверцами¹³. Среди такого рода рисола следует отметить несколько сборников с рассказами о жизни городских ремесленников или поучительные рассказы об их жизни. По мнению Н. А. Кузнецовой¹⁴, изучение подобных рисола могло принести пользу и историку, и литературоведу, занимающемуся вопросами зарождения литературы городских ремесленников, и лингвисту, изучающему различные диалекты.

Исследованию рисола посвящено сравнительно небольшое число работ, большинство которых носит характер общих обзоров, без проведения сопоставительного и глубинного анализа данного вида источников. Уже в XIX в. отмечалась значимость рисола как ценного источника, содержащего разнохарактерные сведения о ремесле. В. Р. Розен, подчеркивая данную особенность рисола, отмечал, что они могут «пролить свет» на разнообразные виды ремесленного производства и ремесленную продукцию¹⁵. По мнению А. Ф. Миддендорфа, «рисола» представляют собой культурный исторический интерес¹⁶. Н. О. Катанов отмечал необходимость сбора рукописей рисола, их перевода и подготовки специального словаря для работы с ними¹⁷.

Отдельным видам рисола были посвящены публикации Н. О. Петровского, А. Ф. Миддендорфа, В. П. Наливкина, П. А. Комарова, М. Ф. Гаврилова, С. Е. Малова, А. Н. Самойловича¹⁸. Изучение «Рисола», как исто-

¹³ Каталог суфийских произведений XVIII – XX вв. С. 284.

¹⁴ Кузнецова Н. А. Ремесленные рисоле // КСИЭ. Вып. III. – М., 1949. С. 91.

¹⁵ Комаров П. А. Несколько слов о рисола // Туркестанские ведомости. Ташкент, 1901. № 45.

¹⁶ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. С. 354.

¹⁷ Гаврилов М. Ф. Рисола сартовских ремесленников. С. 1.

¹⁸ Петровский Н. О. Шелкомотание и шелкоткачество в Средней Азии / Приложение – туземное сказание о шелковичном черве. Ташкент, 1873; Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. С. 354-357; Наливкин В. П., Наливкина В. М. Очерк быта женщины оседлого населения Ферганы. Казань, 1886; Комаров П. А. Несколько слов о рисола; Гаврилов М. Ф. Рисола сартовских ремесленников; Егоже. О ремесленных цехах Средней Азии и их статутах-рисола // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Ташкент, 1928. Вып. III. С. 354-357; Егоже. Кукольный театр Узбекистана // Известия Среднеазиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Ташкент, 1928. Вып. III. С. 98-171; Малов С. Е. Шаманство у сартов Восточного Туркестана // Сборник музея антропологии и этнографии им. Петра Великого при РАН ко дню 80-летию академика В. В. Радлова. Петроград, 1918. Т. V. Вып. I. С. 1-15; Егоже. Уйгурский торговый обрядник (рисола из Западного Китая) // Сборник статей по истории и филологии народов Средней Азии, посвященный 80-летию со дня рождения А. А. Семенова. Сталинабад, 1953. С. 139-144; Самойлович А. Н. Кукольный театр в Туркестане // Материалы по этнографии. Л., 1927. Т. III. Вып. 2. С. 53-57.

рического памятника и культурного наследия, было продолжено в начале XX в. Так, М. Ф. Гаврилову¹⁹ удалось собрать, осуществить перевод и первый источниковедческий анализ нескольких среднеазиатских «Рисола».

В советское время изучением отдельных видов рисола занимались Б. Н. Заходер²⁰, Н. А. Кузнецова²¹, Э. Дарский²², О. А. Сухарева²³, Е. М. Пещерева²⁴, Р. Г. Мукминова²⁵.

Вместе с тем, необходимо констатировать, что в отечественной историографии изучению рисола, как важного источника по истории ремесла, не уделялось должного внимания. Между тем в архивах и рукописных фондах различных учреждений Узбекистана хранится значительное количество текстов рисола, остававшихся до настоящего времени вне поля зрения исследователей.

В 2002 г. коллективом сотрудников Института востоковедения АН РУз был издан каталог суфийских произведений²⁶, куда были включены и рисола из рукописного фонда института.

Помимо исследований среднеазиатских рукописей, большой интерес для осуществления сравнительного анализа представляют работы о рисола ремесленников Турции²⁷, Афганистана²⁸, Пакистана²⁹, уйгурских

¹⁹ Г а в р и л о в М. Ф. Рисола сартовских ремесленников.

²⁰ З а х о д е р Б. Н. Перевод сочинения Кази Ахмеда «Трактат о каллиграфах и художниках». М.; Л., 1947.

²¹ К у з н е ц о в а Н. А. Ремесленные рисоле. С. 90-94.

²² Д а р с к и й Э. Среднеазиатский устав цеха живописцев // Проблемы востоковедения. М., 1959. № 3. С. 106-110.

²³ С у х а р е в а О. А. К вопросу о генезисе профессионального культа у таджиков и узбеков // Труды АН Тадж. Т. XX. Сталинабад, 1960. С. 189-207; Е е ж е . Рисола как исторический источник // Источниковедение и текстология средневекового Ближнего и Среднего Востока. М.: Наука, 1984. С. 201-215.

²⁴ П е щ е р е в а Е. М. Городское гончарное производство. Ташкент, 1958. С. 358-360.

²⁵ М у к м и н о в а Р. Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре. Ташкент: Фан, 1976. С. 26-29. Е е ж е . Рисола как источник по истории техники и производственных отношений в позднефеодальной Средней Азии // Бартольдовские чтения. М.: Наука, 1990. С. 52-53; Е е ж е . Сведения о профессиональном обучении в Средней Азии в средневековых письменных источниках // Центральная Азия: источники, история культуры. М., 2006. С. 100-102.

²⁶ Каталог суфийских произведений XVIII – XX вв. С. 284-308.

²⁷ К у р а л е в В. П. К организации ремесленных цехов в Турции // Социальная история народов Азии. М., 1975. С. 260-269.

²⁸ C e n t l i v r e s - D e m o n t M. Un corpus de risola du Turkestan Afgan // Madrassa la transmission du savoir dans le monde musulman / Sous la direction de nicole grandin et Marc Caborieau. Edittions Arguments. Paris, 1997. P. 84-88.

²⁹ А н д р е е в М. С. Рисола кузнечного цеха из Северной Индии на языке «пушту» // Сборник Туркестанского восточного института в честь проф. А. Э. Шмидта. Ташкент, 1923. С. 9-13.

мастеров Восточного Туркестана³⁰. Заметный интерес к данному виду источников традиционно проявляют зарубежные исследователи³¹. Давние традиции в изучении рисола наблюдаются и в зарубежной историографии, начало которым было положено Ю. Скайлером – американским дипломатом, посетившим Среднюю Азию в конце XIX в.³² В его работе дается описание ремесел, базаров. При описании производства шелка он отмечал, что здесь, в Азии, каждая профессия имеет собственную письменную традицию, которая называется рисола или «сообщение» с мифическими историями о происхождении, с указаниями о правильных манерах в работе. Однако в дневнике приведена лишь легенда о шелкопрядах, переведенная с персидского языка. Начало легенды, по его словам; заимствовано из знаменитой книги «Кассоси Анбия», из которой выводится резюме о происхождении шелковичного червя. Якобы, когда Аллах, после всех испытаний, ниспославших Иову, послал ему исцеление, все его болезни исчезли. А те черви, которые терзали его тело, упали на землю, поднялись на дерево, и так появился шелк³³.

Интерес также представляет каталог рукописей М. Хартмана³⁴, где приводится описание ряда рисола, вывезенных еще в XIX в. из Восточного Туркестана (Яркенд, Кашгар).

Особый интерес в собрании рукописей М. Хартмана представляют одиннадцать различных рисола, вывезенных им из Центральной Азии. Это – рисола сапожников, цирюльников, купцов, торговцев пряностями, ткачей, мастеров, изготавливающих седла, красильщиков тканей, кузнецов, земледельцев и пастухов. Данный каталог, опубликованный в 1909 г. в Берлине, содержит информацию о состоянии рукописи, размерах листов, сорте и качестве бумаги, оформлении обложек. В некоторых случаях, когда в одной рукописи объединены несколько документов, указывается их содержание. Однако ни язык написания, ни графика не анализируются³⁵.

³⁰ Малов С. Е. Уйгурский торговый обрядник. С. 139-144.

³¹ Shuyler E. Turkestan. Notes of a journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. New York, 1876. V. I; Hartmann M. Die ostturkischen Handschriften der Sammlung Hartmann // Der Islam. Geschichte – Glaube – Recht. Leipzig, 1909; Thorning H. Beitrage zur Kenntnis des islamischen Vereinwesens. Berlin, 1913; Centlivres-Dumont M. Un corpus de risola du Turkestan Afgan. P. 84-88.

³² Shuyler E. Turkestan. Notes of a journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. New York, 1876. V. I; Thorning H. Beitrage zur Kenntnis des islamischen Vereinwesens. Berlin, 1913; Centlivres-Dumont M. Un corpus de risola du Turkestan Afgan...

³³ Shuyler E. Turkestan. P. 291-294.

³⁴ Hartmann M. Die ostturkischen Handschriften der Sammlung Hartmann // Der Islam. Geschichte – Glaube – Recht. Leipzig, 1909.

³⁵ Происхождение рисола, вошедших в Каталог М. Хартманна – Восточный Туркестан (Яркенд или Кашгар). Их ли имел в виду М. Гаврилов, говоря об 11 рисола, вывезенных из Средней Азии М. Хартманом, не известно. – Д. А.

Как известно, крупным центром по изучению арабских и персидских рукописей традиционно являлся Берлин. Здесь существовали научные центры, где работали ведущие арабисты мира. Одним из известных исследователей мусульманских рукописей являлся Х. Торнинг³⁶. Наибольшее число рассмотренных Х. Торнингом рукописей являются уставами дервишей.

В одной из его работ дан анализ футувветнаме (турецкий аналог среднеазиатских рисола) – документам об организации цехов и практикуемых в них ритуалах, представляющих собой сборники с вопросами, задаваемыми подмастерью, и сопровождающиеся ответами. Им выявлено, что, например, футувветнаме в отличие от рисола состоит из глав (обычно из 16 разделов, наибольший интерес представляет 3-я глава, в которой изложены права и обязанности ремесленников «чарык» – усто, в 8-й главе перечислены инструменты ремесленников, в 13-й – цеховая организация, остальные главы касаются религиозных моментов). Автор приводит содержание легенд и молитв, которые необходимо было читать дервишам при совершении определенных действий, суфийские касады, описывает обычай, церемонию принятия в суфийский орден, суфийскую хирку (одеяние дервиша), перечисляет имена пиров, пророков³⁷. По мнению Х. Торнинга, существенное влияние на содержание исламских цеховых уставов оказали традиции римских уставов, привнесенные через Византию, так как уже в Константинополе существовали цеха со сложившимися ритуалами принятия в цех.

Во главе турецкой ремесленной корпорации стоял «ага-уста», в Средней Азии – аксакал. Цеховые организации Турции имели свою кассу, из которой выделялась материальная помощь ремесленникам, что не наблюдается в Средней Азии. Цеха Турции имели своего святого покровителя, как впрочем и в Средней Азии. Большинство ремесленных корпораций имели своего духовного покровителя, пира промысла – выдающегося религиозного деятеля или мифического персонажа, который, якобы, получил от Всевышнего знания в том или ином профессиональном занятии и распространил эти знания среди людей. Для достижения успешных результатов в своей профессиональной деятельности ремесленник должен был обращаться к пиром с молитвой, и просить их о помощи и тогда якобы все, что он не попросит, – сбудется.

В Турции также имелись ремесленные уставы, которые отражали производственную специализацию. Среди них выделяется «футувветнаме-и кебир» (большая футувветнаме) Сайд Мехмеда бин Сайида

³⁶ T h o r n i g H. Beitrage zur Kenntnis des islamischen Vereinswesens auf Grund von Dr. Hermann Thorning. Berlin: Mayer and Muller, 1913. S. 18.

³⁷ T h o r n i g H. Beitrage zur Kenntnis des islamischen Vereinswesens... S. 18-25.

Ала ад-Дина аль-Хусеина аль-Разави, датирующаяся 1524 г.³⁸, в которой приводятся сведения о наличии в Турции XIX в. 379 видов ремесла. По мнению В. П. Куралева, вопросы организации ремесла, цеховой строй в Турции относятся к наименее разработанным проблемам³⁹.

По словам В. А. Гордлевского, изучавшего футувветнаме кузнецов, в библиотеках Турции имеются многочисленные списки этих документов, их можно также встретить и на базарах. Футувветнаме являлись своего рода справочником, руководством, которое удобно было всегда держать при себе⁴⁰. Футувветнаме, как и рисола, имелись в каждом цеху, регламентировали почти все стороны деятельности, как всего цеха, так и каждого его члена. Начинаются они, как правило, с торжественной инвокации в честь Аллаха, а также сопровождаются различными легендами. Последние в турецких футувветнаме помещаются не в начале, что характерно для среднеазиатских рисола, а в четвертой главе документа. Футувветнаме имеют также некоторые отличия в содержании, в частности, в них упоминается только пророк Мухаммад и отсутствуют легендарные персонажи. Особый интерес футувветнаме в том, что в них перечисляются звания мастеров, всего их – 9 (лица, составляющие административный аппарат цеха), приводится целый ряд имен мастеров⁴¹. Нам удалось встретить лишь несколько званий, распространенных среди ремесленников: «усто», «мийон-басте», «шайх», «камар-басте», «хальфа», «комоли пир». В футувветнаме, как и в рисола, можно встретить суфийские термины («маърифат», «шариат», «тарикат», «хакикат»). При сопоставлении обязанностей и прав учителя и ученика, закрепленных в обоих видах уставов, можно проследить определенные совпадения (как, например, процесс опоясывания мастера), хотя есть и отличительные особенности.

В Турции сохранился оригинальный письменный источник – «Сайохатнамес» (Книга путешествий), составленный турецким дипломатом и путешественником Эвлия Челеби, в котором перечисляются все существовавшие в XVII в. цеха, и описывается празднично-религиозное шествие представителей шестисот цехов. Сам по происхождению ремесленник, автор на основе личных воспоминаний показал жизнь этой среды. Интересны его замечания об этническом составе ремесленников: турки, как мастера, упоминаются редко, в основном хорошими мастера-

³⁸ Taeschner Fr. *Futuwwa / Encyclopedie I' islam Nouvelle edition* parce Bosworth, Evan Donzel, W. P. Heinrichs et G. Lecomte. T. VII. Leiden: E. J. Brill, 1995. P. 983-991.

³⁹ Куралев В. П. К организации ремесленных цехов в Турции.

⁴⁰ Гордлевский В. А. О футуввет-номе (справка) // Избранные сочинения. Т. I. Исторические работы. М.: ИВЛ, 1960. С. 307-318; Куралев В. П. К организации ремесленных цехов в Турции // Социальная история народов Азии. М.: ИВЛ, 1975. С. 260-269.

⁴¹ Taeschner Fr. *Futuwwa*. P. 988-989.

ми, по словам автора, признаны армяне, греки, грузины, евреи, албанцы и персы⁴².

В 60-е годы XX столетия французским ученым М. Сентливр-Демонтом⁴³ были изучены базары Афганистана и их организация. По мнению ученого, традиции, касающиеся каждого ремесла, сохранились в маленьких (как он их определяет) катехизисах⁴⁴ – рисола, которые имели при себе даже неграмотные ремесленники. Часть из этих документов переплетена серебряной бумагой или искусно изрезанной медью. По словам автора, из-за связи рисола с суфизмом их часто (как и в Турции) называли футувветнаме. Афганские рисола слабо изучены, имеются лишь статьи самого М. Сентливра, посвященные базарам Ташкургана, и чисто описательная статья Збигнева Ясневича, в которой упоминается рисола кузнецов⁴⁵.

Ўзбек халқи анъанавий тураржойларидағи диний эътиқодлар таҳлилига оид мулоҳазаларимиз якунида шундай хулоса қилиш мумкинки, анъанавий тураржойлар миллий моддий маданиятнинг асосий компонентларидан бири сифатида узок тарихий давр мобайнида шаклланган. Халқона тураржойлар тузилиш ва қурилишига турли табиий-географик мухит, хўжалик турмуш тарзи, этник ўзига хослик таъсир кўрсатган. Энг асосийси анъанавий тураржойлар ижтимоий, маданий ва оиласвий ҳаётда муҳим амалий аҳамият касб этиши билан бирга ўзига хос диний-семантик маъно ва мазмунни ҳам билдирган. Бунинг натижаси ўлароқ, уй-жойлар билан боғлиқ қўплаб урф-одат ва расм-руsumлар бажарилган. Қадимда кишилар уй, ибодатхона ва шаҳарни ўзига хос микро олам, ташки дунёни эса макро олам деб тасаввур қилганлар. Улар ўзларининг микро оламларини турли-туман магик харакатлар, амаллар орқали ҳимоя қилишга қаратилган ниятлари асосида остона, эшик, дераза каби уй қисмлари билан боғлиқ урф-одатлар пайдо бўлган. Қолаверса, ўзбекларда янги қурилган уйга бағишлаб маросимий қурбонлик қилинмагунча у табу ҳисобланганлигини тўпланган материаллари ҳам тасдиқлади. Янги тураржойга кўчиб киришдан аввал маросимий қурбонлик қилиш ва у билан боғлиқ қатор расм-руsumлар ушбу табуни олишга қаратилганлигига тадқиқот жараённида амин бўлдик. Умуман олганда, уй-жойлар билан боғлиқ урф-одат ва расм-руsumлар асосан тураржойларни тиклаш, улар баъзи қисмларига алоҳида эҳтиром билан қараш ҳисобланса-да, унинг негизида оила аъзолари тинчлиги, фаровонлигини таъминлашга қаратилган диний мазмундаги тасаввур ва тушунчалар мужассамлашган.

A. Аширов

Симбиоз религиозных верований в обычаях узбекского народа, связанных с жилищем

В статье анализируются обычаи и традиции узбекского народа, связанные с традиционным местом проживания, что является одной из важных составляющих материальной культуры. Раскрыто значение традиционного места проживания в социальной, культурной и семейной жизни узбекского народа, основанное на полевых этнографических и исторических материалах. Рассмотрены новые трактовки вопроса о генезисе обычаев и традиций, связанных с различными частями традиционного жилища.

A. Ashirov

Symbiosis of religious beliefs in customs of Uzbek people, related to residential place

The article analyzes the customs and traditions of Uzbek people, related to traditional residential place, which is one of the important parts of material culture. The author enlightens the practical importance of residential place in social, cultural and family life of Uzbek people as well as the specific religious and semantic significance, based on field ethnographic and historical materials. Also a lot of very important opinions on the genesis of customs and traditions, related to various parts of residential buildings (houses) such as thresholds, doors, windows, etc.

Данное исследование посвящено изучению обычайско-традиционных связей с жилищем в материальной культуре узбеков. Автор показывает практическую значимость жилища в социальной, культурной и семейной жизни узбеков, а также специфическую религиозную и семантическую значимость, основанную на этнографических и исторических материалах. Рассматриваются многочисленные мнения о генезисе обычайско-традиционных связей, связанных с различными частями жилых зданий (домов), такими как пороги, двери, окна и т.д.

Сообщение о том, что в Узбекистане существует целый комплекс религиозных обычаев и традиций, связанных с жилищем, не является новостью. Вместе с тем, наука об обычайско-традиционных связях с жилищем в Узбекистане пока не имеет достоверных результатов. Жилище в Узбекистане, как и во всем мире, является важнейшим элементом материальной культуры. Оно является местом для осуществления различных бытовых, производственных, общественных и религиозных функций. Жилище в Узбекистане несет в себе множество различных обычаев и традиций, связанных с его строительством, ремонтом, эксплуатацией и уходом. Важнейшими из них являются обряды, связанные с открытием дверей и окон, установлением порогов и т.д. Среди этих обрядов особое место занимает обряд открытия двери и окна. Он проводится в соответствии с религиозными канонами и традициями. Важно отметить, что этот обряд проводится не только в новых домах, но и в старых, которые были перестроены или реконструированы. Он имеет большое значение для сохранения традиций и обычаев, связанных с жилищем. Важно отметить, что этот обряд проводится не только в новых домах, но и в старых, которые были перестроены или реконструированы. Он имеет большое значение для сохранения традиций и обычаев, связанных с жилищем.

ЖИЛИЩА ОТНОСИТЕЛЬНО

Ёши тадқиқотчи минбари

С. Мухамедова

МУСО САИДЖОНОВ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон тарихининг моддий ва маънавий меросини ҳимоя қилиш, асрлаб-авайлаш ҳамда ҳалқ маорифи ишларида сермаҳсул хизмат қилган Мусожон Йўлдошевич Сайджонов (1893-1938) Бухоро зиёлиларининг тимсоли эди, десак хато бўлмайди. М. Сайджоновнинг фаолияти, давлат идораларида олиб борган саховатли ишлари, у қолдирган илмий мероси шу давргача тўлиқ ўрганилмаган. Чунки унинг фожиали тақдиди ва ижтимоий-сиёсий вазият нафақат уни, балки бошқа шу каби маърифатпарварлар хаёти ва фаолияти билан қизиқишига йўл қўймасди.

М. Сайджонов фаолиятини ўрганишнинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, у давлат арбоби, ҳалқ маорифи соҳасидаги етакчи зиёли сифатида ва тарихий осори-атикалар, меморий ёдгорликларни саклаш ишларида давлат аҳамияти даражасида хизмат қилган ўлкашунос олим сифатидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Унинг ижоди ва фаолиятини ўрганиш кўп тадқиқотларни талаб қиласди. Мақсадимиз Мусо Сайджонов ҳақида қандай илмий изланишлар қилингандиги, нималар ёзилганлиги, умуман, тарихшунослигини кузатишdir. Олимнинг ижодини ўрганишда йирик ишнинг йўқлиги сабабли бу тадқиқот обьекти чуқур ўрганилишга арзиди. Шунинг учун ҳам унинг қолдирган маънавий ва маданий меросини ўрганиб тадқиқ қилиш ҳамда кенг илмий жамоага маълум қилиш муҳим вазифалардан биридир.

М. Сайджонов қоракўл териси билан шуғулланадиган оддий савдо-гар оиласида туғилишига ва отасидан ёш етим қолишига қарамай Мир Араб мадрасасида, кейинроқ Когондаги рус-тузем мактабида таҳсил олди. У айниқса, тарих, география, арифметика, геометрия, имло ва бошқа фанларни чуқур ўрганиб, юксак илмий салоҳиятли шахс бўлиб етишди. Мусо Сайджонов 15 ёшида, яъни 1913 йилдан жадидчилик ҳаракатининг «Ёши бухороликлар» фирқасига кўшилган¹ ҳамда Абдурауф Фитратдан таълим-тарбия олган². Кейинчалик эса Ф. Хўжаев ва Фитрат каби миллий зиёлиларнинг етук маслакдошига айланди. «Ёши

¹ Абдураимов М. Сайджоновнинг илмий мероси // Шарқ юлдози. 1972. 9-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 1113-хужжат, 7-бет.

бухороликлар», «Миллий иттиход» каби бирлашмаларда ҳамда жадидларнинг маданий-маънавий ҳаракатларида фаол иштирок этган. Лекин 1920 йилдан кейин, яъни тараққийпарварлар ҳаракатининг кучсизланиб қолгани ва улар тақдири шу даврга келиб муҳожирликда ўтаётганлиги сабабли кейинчалик ўзини илмий-маърифий фаолиятга бағишилади. Бухорода Озиқ-овқат нозири, Иқтисодиёт нозири муовини, Давлат назорати нозири, Фавқулодда комиссия раиси, Молия нозири ва Маориф нозири каби юқори давлат лавозимларида ишлаган. Маориф нозири бўлган пайтда янги таълим муассасалари очиш, кутубхона, архив, музей ишлари ва миллий санъатни ривожлантириш ишларида кўп меҳнат қилди.

М. Сайджонов ўлқадаги мавжуд тарихий ёдгорликларни ўрганишга, уларнинг тарихини манбалар асосида ўрганиб тадқиқ этишга ниҳоятда кизикар эди. У 1926 йилдан бошлаб, республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси тизимининг Бухоро бўлими (Бухкомстарис) раиси этиб тайинланди. Бу даврда у Бухородаги барча тарихий жойлар ва обидаларни текшириб ўрганиб чиккан эди. 1928 йилда оиласи билан Самарқандга кўчиб кетиб, у ерда ўлкашунослик соҳасидаги фаолиятини давом эттириди. Самарқандда Республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси (Узкомстарис)нинг раиси этиб тайинлангач, Самарқанд, Хива, Кўқон, Қарши, Шахрисабз ва ҳатто, Термизда археологик экспедициялар ўтказиб, кўҳна меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, асрар-авайлаш, унинг тарихи ва жой номлари тарихини ўрганиш ишлари билан шуғулланди. Уларнинг ахволи ҳакида маълумотлар тўплаб, тарихий жой ва ёдгорликларни рўйхатга олди. Сайджонов ўзининг ҳар бир ҳудуд учун олиб борган тадқиқоти натижаси сифатида нодир илмий мерос қолдириди.

М. Сайджоновнинг «Ёш бухороликлар» фирмасидаги иштироки учун ҳамда Ф. Хўжаев, Фитрат каби миллий тараққийпарварлар билан сафдош бўлганлиги сабабли «халқ душмани» сифатида ички ишлар халқ комиссарияти томонидан 1937 йил 14 апрелда хибсга олинган. М. Сайджонов бир қатор жадидлар билан биргаликда 1937 йил 27 октябр қуни отиб ташланди. Лекин уларнинг номлари 1965 йил декабр ойида кайта тикланиб оқланди.

Мусо Сайджонов ўзининг тинимсиз меҳнати орқали кўп китоблар ва нодир асарларни тўплаб, уларни ўрганар эди. Турли матбуотларда мақолалари ҳам босилиб чиққанлиги изланишимиз натижасида маълум бўлди. Булар «Гўри амир» асари (1929 йил), «Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари» (1927 йил) ва «Обследование усыпальницы Чильдухта-рон в Самарканде» (1936 йил) номли мақолаларидир.

М. Сайджонов қолдирган йирик илмий меросидан бири бу унинг «Гўри амир» асаридир³. Эски ўзбек тилида ёзилган ушбу китобда олимнинг Амир Темур ва унинг авлодлари тарихи, мақбара тарихи, унинг ҳолатлари ва ёзувлари ҳамда Темурнинг вафоти, қабртошларининг битиклари ҳакидаги изланишлари муфассал баён этилган. Асарда Темурнинг туғилишидан бошлаб, унинг ҳаёти, юришлари, авлодлари тарихи ва Темурийлар мақбарасининг тарифи, архитектураси ва шу жойга оид археологик, эпиграфик маълумотлар берилган.

Бухоро шаҳридаги кўхна ёдгорликлар ҳакида М. Сайджоновнинг «Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари» номли йирик илмий мақолоси 1927 йилда «Маориф ва ўқитувчи» журналида чоп этилган. Унда асосан Бухородаги тарихий жойлар, Арк, Шаҳристон, Регистон ва унда аштархонийлар даври бинолари ва сомонийлар даври иншоотлари каби тарихий ёдгорликлар ўрганилиб тадқиқ этилади. Асар Бухородаги маълум ҳудудлар тарихи, айниқса, сомонийлар даври бинолари ҳакидаги маълумотлари билан қимматлидир. Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти (ИФЕАК) ҳомийлигига чоп этилган бу асар 2005 йилда ИФЕАК журналининг июн ойидаги 16-максус сонида нашрдан чиқди⁴. Интернет хабарларига кўра ушбу китоб ҳозиргача МДҲ ва Европа давлатларининг кўпгина кутубхоналари томонидан сотиб олинган.

Сайджоновнинг кейинги нашр қилинган «Обследование усыпальницы Чильдухтарон в Самарканде» номли мақолоси 1936 йилда «Социалистическая наука и техника» журналида нашр қилинган⁵. Мақола номи остида «(Из работ Узкомстариса 1935 г.)» деб кўрсатилади ва бундан М. Сайджоновнинг Республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси тизимидағи фаолиятида олиб борган муваффақиятли тадқиқотлари хусусида ахборот берилганлиги маълум бўлади. Мақолани ўрганиб чиқиш жараёнида мураккаб илмий салоҳиятли Сайджоновнинг илм-фан тараққиётida археология, топонимика, манбашунослик ва тарих фани соҳаларининг ниҳоятда кучли билимдони эканлиги билинади. Унда Чилдухтарон мақбарасининг тарихи ва вақфномалар ҳужжатлари асосида маълумот берилган.

Олимнинг нашр учун тайёрланган, лекин чоп этилмай қолган илмий асарлари бир неча сонли бўлиб, булар асосан ўлкашунослик, ар-

³ Сайджонов М. Гўри амир. «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1929 йил 4-сонига илова. Тошкент, 1929.

⁴ Сайджонов М. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари // ИФЕАК. Серия «Рабочие документы». Вып. 16 (июнь 2005 г.).

⁵ Сайджанов М. Ю. Обследование усыпальницы Чильдухтарон в Самарканде // Социалистическая наука и техника. 1936. № 5.

хеология ва этнографияга оид бўлиб, булар вакфнома ҳужжатларини ўрганиш асосида 1930 йилдан кейин тўпланган асарлардир. Тадқиқот давомида Б. Эргашев, С. Горшенина ва Н. Наимовларнинг мақолаларидан маълум бўлишича, айрим сабабларга кўра нашр этилмаган «Шайх Сайфуддин Боҳарзий вакфномаси», «Самарқанднинг меъморий ёдномаси», «Самарқанд архитектураси. Шаҳар тарихи», «Бухоро атрофида жойлашган мақбаралар», «Хоразмдаги биринчи музей», «Ўзбеклар тарихи учун материаллар», «Адиблар антологияси» каби турли ҳажмдаги тўплам ва асарлари ҳамда Чилдухтарон, Масжиди калон ҳақидаги брошюралари ҳозирги кунгача ўзининг илмий аҳамиятини сақлаб келмоқда. Шунингдек, М. Сайджонов Қашқадарё воҳаси обидаларини ўрганиб, «Шахрисабз меъморий ёдномалари тарихи» тўпламини тузган. 1936 йилда ёзиб тугатилган ушбу асар ўлка меъморий обидалари ҳақидаги ягона йирик илмий иш хисобланади⁶. Лекин афсуски, юкорида кўрсатилган илмий рисолалар ҳали тўла ўрганилиб тадқиқ этилмаган ва оммалашмаган.

М. Сайджонов фаолияти давомида рус зиёлилари ва тадқиқотчи-олимлари билан ҳамкорликдаги қалин муносабатини ҳамда чет эл ҳалқаро илмий анжуманларида бўлган иштирокини кузатиш мумкин.

У 1935 йил Ленинградда бўлиб ўтган ҳалқаро конгрессга ўзбек олимларидан биринчи бўлиб чақирилган зиёлилардан эди. Эрон санъати ва археологияси масалаларига бағишлиланган бу конгрессда ўзбек билимдони «Кўчкинчихон мақбараси» номли маъruzаси билан иштирок этди. Ўшанга қадар ушбу мақбара ногуғри талқин қилиниб, «Чилдухтарон мақбараси» деб номланар эди. М. Сайджонов эса бу хатоликни аниқ далиллар билан илмий исботлаб берди. Мана шу йирик тадқиқоти учун иқтидорли олимга профессор увони берилди⁷. Бу маълумот Б. Эргашев, С. М. Горшенина, М. Абдураимов⁸ ва Г. Астановаларнинг мақолаларида учрайди. Лекин жорий тадқиқот натижасида маълум бўлишича, 1935 йилда ўтказилган ушбу ҳалқаро конгресс иштирокчилари ва маърузалари⁹ орасида М. Сайджоновнинг номи учрамади. Совет тузуми даври сиёсати бўйича мустамлака давлат иштирокчиси сифатида кейинги

⁶ Астанова Г. Аждодлар меросини ўрганиб (тарихий меросимиз тадқиқотчиси) // Имом ал-Бухорий сабоклари. 2005, 1-сон.

⁷ Ўша асар.

⁸ Эргашев Б.Х., Ходжаев Л.Н. Об архиве М.Ю. Сайджанова // ОНУ, 1993, № 11-12; Горшенина С.М. Муса Сайджанов – историк, археолог, искусствовед // ОНУ. 1995. № 1-2-3; Абдураимов М. Сайджоновнинг илмий мероси // Шарқ юлдизи. 1972. 9-сон.

⁹ III Международный конгресс по иранскому искусству и археологии. Доклады. Ленинград, сентябрь, 1935 г. М.; Л.: Издательство АН СССР, 1939.

ўринларда кўрилганлиги ёки 1937 йилда жадидларга қарши совет тузуми қатағонига учраганлиги сабабли конгресс маърузалари тўпламига киритилмаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

М. Сайджонов фаолияти тарихшунослиги бўйича олиб борилган ишлар шуни кўрсатадики, Сайджонов илмий фаолияти устида ишлаган тадқиқотчи-олимлар сони юқорида кўрсатилганидек, кўпчиликни ташкил этмайди. М. Абдураимов, Б. Эргашев, С. Горшенина ва Г. Астановалар М. Сайджонов ҳаёти ва фаолиятига доир бўлган мақолалари орқали асосий маълумотларни бера олдилар. Дастробаки илмий изланиш маҳсули ҳисобланган М. Абдураимовнинг «М. Сайджоновнинг илмий мероси» номли мақоласи кенг ҳажмда бўлиб, унда асосан Сайджоновнинг манбашунослик ва археология йўналишидаги олиб борган фаолияти ёритилди. Хусусан, муаллиф Сайджоновнинг «Самарқанд меъморий ёдномалари» номли кўлёзма асаридан кенг фойдаланади ва асар ҳақида маълумот беради. Археолог олим ўзининг тадқиқотлари натижасида саройни куришда фақат Хоразм ва Ироқдан келтирилган усталаргина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа мамлакатларидан келтирилган усталарнинг ҳам ишлаганлигини аниқлаган. Олим меъморий ёдгорликларни ўрганар экан, ушбу обидалар кимнинг хотираси учун барпо этилганлиги, қачон, ким томонидан курилганлигини ҳам ўрганиб борган ва бу ҳакда ўзининг илмий меросида ёзиб қолдирган. М. Абдураимовнинг ёзишича, Мусо Сайджонов ўз даврининг машҳур олимлари билан биргаликда фаолият кўрсатган. Ўзбекистонда архитектура ва бошқа маданий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва ҳимоя қилишда В. Л. Вяткин, М. Е. Массон, Б. Н. Засипкин, Л. И. Ремпель, И. И. Умняков ва Садриддин Айний каби атоқли олимлар билан ҳамкорликда самарали иш олиб борган. У биринчилардан бўлиб, Ўрта Осиё архитектурасида ансамбль анъанаси мавжуд бўлганлигини Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари асосида исботлаб берган.

М. Абдураимов асосан М. Сайджоновнинг Самарқанд ва Шахрисабзаги меъморий ёдгорликлар, жумладан, Регистон майдонидаги иншоотлар, Чилдухтарон, Ишратхона ҳамда Оқсарой каби буюк обидаларнинг курилиш тарихи, архитектураси ва вазияти масалаларига катта аҳамият каратган. Аксинча, Бухоро, Кўкон, Хива ёдгорликлари ҳақидаги ва Сайджоновнинг тақдирли ҳақидаги маълумотлар эса ўзининг қимматлилигига карамай муаллиф назаридан четда қолган. Мақола сўнгида М. Сайджонов асарларини нашрга тайёрлаш устида ЎзРФА академиги М. Ё. Йўлдошев ва ЎзРМарказий давлат архиви катта илмий ходими К. У. Убайдуллаевлар тайёргарлик ишлари олиб бораётганликлари таъкидланади. Аммо, уларнинг тайёрлаган ишлари тадқиқотимиз давомида учрамади.

Мустақиллик давридан кейинги бошлаб юборилган илмий изланиш ишларининг дастлабкилари ва асосийлари Б. Эргашев номи билан боғлиқ. Унинг 1993 йиллардаги изланишлари натижасида тўплаган маълумотлари «Наследие братьев Сайджановых» номли мақоласида акс этган¹⁰. Бунда муаллиф уч ака-ука Мусо, Мухтор ва Курбон Сайджоновларнинг фаолияти ва тақдири ҳакида маълумот берган. Жумладан, Мусо Сайджоновнинг 66 ёшли ўғли врач Улуғбек Сайджонов билан сұхбатда бўлиб, унинг 1937 йил 14 апрелда отаси М. Сайджоновнинг ҳибсга олинган кунини, уни қандай кузатганликларини аянчли тарзда айтиб берганлиги ҳакида ёзади. Мақолада хеч бир манбада учрамаган маълумот берилган. Унда Сайджоновнинг оиласи, ака-укаси ҳакида, хусусан отасининг шариатга кўра иккита хотинга эга бўлганлиги ёзилади: М. Сайджоновнинг акаси Мухтор ва укаси Курбон Сайджоновлар иккинчи онанинг фарзандлари бўлганлиги, улардан Курбон отаси изидан борган. М. Сайджонов эса хўжандлик бўлган биринчи аёлнинг фарзанди ҳисобланган. Мусо ва Мухтор Сайджоновлар ўзларини илм-фан ва давлат идоралари ишига бағишлаганлар. Б. Эргашев бошқа муаллифлардан фарқланган ҳолда мақолада ҳатто, Сайджоновларнинг яшаб ўтган жойи ҳакида, хусусан, уйнинг шахар марказида жойлашганлигини, уй тузилишини эса аёл ва эркаклар ҳовлисига бўлинганлиги, қуёш нури тушмайдиган тўртта баланд девор билан ўралганлиги ва салқин яримертўладан иборатлигини ёзади. Муаллиф Мухтор ва Курбон Сайджоновларнинг иш фаолияти ва оқибатлари ҳакида ҳам маълумот беради. Мақола сўнгига эса Сайджоновлар авлодининг кейинги тақдири ҳакида сўз юритилиб, Сайджонов болаларига «халқ душмани фарзанди» дея юз ўғирилганлиги ва юз берган мудхиш воқеа бироз одамлар ёдидан кўтарилигач, Самарқанддан Бухорога кайтиб, қийинчиликларни енгib ўтган ҳолда ўз ҳаёт йўлларига тушганликлари ёзилади. Оталари тақдири ҳакида сўраганларга эса ҳар гал табиатан мавжуд бўлмаган касаллик туфайли оламдан ўтганлигини айтишган экан¹¹. Зеро, кейинги авлод ўтган авлод тақдири билан яшамаслиги кепрак эди.

Мақолани мана шу жиҳати билан қимматли, деб баҳоласа бўлади. Уч ака-укаларнинг суратлари билан чоп этилган ушбу мақола Сайджоновлар фаолияти ва тақдири билан қизикувчилар учун муҳим маълумотларни бера олади.

¹⁰ Эргашев Б. Наследие братьев Сайджановых // Правда Востока. 1993. 27 апреля.

¹¹ Ўша асар.

Б. Эргашевнинг навбатдаги «Об архиве М. Ю. Сайджанова»¹² номли мақоласида эса Сайджоновнинг қимматбаҳо кутубхонаси ва нодир хужжатлари ҳақида сўз юритилади. Б.Эргашев билан бўлган сухбатда Сайджоновнинг шахсий архиви 1990 йиллардан кейин ўз оиласига, ўғли Улугбек Сайджоновга топширганлиги ва бу хужжатлардан 80 фойзи археологияга оид эканлиги маълум бўлди. Шахсий архив XIV-XX асрда Ўзбекистон архитектураси, археологияси ва тарихига оид қўлёзма ва суратли хужжатлардан иборат бўлиб, катта ҳажмдаги бу хужжатлар тарихий ва маданий аҳамиятга эгадир. Б. Эргашевнинг таъкидлашича, Сайджоновнинг асарлари библиографиясини тузишнинг имкони бўлмаган. Чунки, аксарият хужжатлар музей, кутубхона ва шахсий коллекциялар учун ташиб кетилган. Б. Эргашев архив қимматдорлигини Сайджоновнинг Сайфуддин Боҳарзий мақбараси вақфнома ёрлиғига таржимаси ва унинг тавсифи хужжатлари билан белгилайди. Вақфнома 1400 қўлёзма қатордан ва 51 варақли таржима хужжатидан иборат бўлган.

Муаллиф араб имлоси ва форс-тожик тилларининг билувчиси сифатида М. Сайджонов архивида мавжуд бўлган «Самарқанд архитектураси. Шаҳар тарихи», «Шаҳрисабз тарихининг ёзма манбалари» номли қўлёзмалари; «Ўзбеклар тарихи учун материаллар», «Майда саноат», «Хоразмдаги биринчи музей» каби унча катта бўлмаган брошюралар ва бошқа хужжатлари ҳақида янада тўликрок маълумот берганда тарих фани соҳаларидаги илмий янгиланиш яна бир поғона жонланган бўларди.

Таникли маърифатпарвар Фитрат ва Мусо Сайджонов ўртасида ги ёзишма ҳақида Б. Эргашев ва Л. Хўжаевларнинг «Фитратнинг янги топилган мактуби» номли мақоласидан билиш мумкин¹³. Бу мақолада Фитратнинг Мусо Сайджоновга бир парча қоғозда ёзган мактуби таҳлил килинади.

С. М. Горшенинанинг олиб борган тадқиқоти ҳам Мусо Сайджонов фаолиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг ёзишича, М. Сайджонов давлат идораларида бир қатор юқори мавқеда хизмат қилиши билан биргаликда мактабгача таълим-тарбия муассасалари, мактаб ва театрлар, музей, кутубхона ва архивлар ташкил қилишда фаол иштирок этган¹⁴. У 1925-1936 йилларда Ўзбекистон тарихий ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси лавозимида ишлаб, Шарқ

¹² Эргашев Б.Х., Ходжаев Л.Н. Об архиве М.Ю. Сайджанова.

¹³ Эргашев Б., Хўжаев Л. Фитратнинг янги топилган мактуби // Ўзбекистон овози. 1993 йил 4 октябрь.

¹⁴ Горшенина С.М. Муса Сайджонов – историк, археолог, искусствовед.

дурдонаси бўлган Бухоро ва Самарқанд шаҳридаги барча меъморий ёдгорликлар ва обидаларни асраб-авайлаш, уларни ҳимоя қилиш ишлари ни муваффақиятли олиб борди.

С. Горшенина ўз мақоласида М. Сайджоновнинг 1920 йил сентябрда Бухоро коммунистик партияси аъзоси бўлганлиги ва 1923 йилга келиб эса бу партиядан ўчирилганлигини ЎзР Марказий давлат архиви маълумоти асосида ёзади¹⁵. Бу ҳақда М. Сайджоновнинг таржимаи ҳолида эса кўйидагича қайд қилинган: Менда коммунист фирмасига аъзо бўлдим (қачон кирганим эсимда қолмади). Бир йил уч ой фирмака аъзоси бўлиб юрдим. Коммунист фирмасининг назириётига таниш бўлмаганим ва бошқа сабабларга кўра фирмадан ўз ихтиёrim билан¹⁶ чиқдим¹⁷. Сайджонов айтган «бошқа сабаб» уни партиядан кетишга баҳона бўлганлиги шу «сабаб» тарихини излаб топишга ундейди. Фикримизча, Сайджонов фирмака иши билан чуқур таниш бўлмаган, оз фурсат ичидаги бўлмаганим билан ишлаганлигидан далолатдир. С. Горшенинанинг мақоласи асосан Сайджоновнинг ўлка тарихий обидаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳамда рус олимлари билан ҳамкорликдаги олиб борган фаолияти бора-сида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган маълумотларни беради. Муаллифда Сайджоновнинг яқинлари, маҳаллий зиёлилар билан муносабатлари, бирга олиб борган фаолияти ҳақидаги муҳим маълумотларни бериш имконияти хам бор эди. Буларни хисобга олмаган ҳолда мақола Сайджонов фаолияти ҳақидаги муҳим манба хисобланади.

Археолог, профессор Мусо Сайджонов ҳақида чоп этилган сўнгги изланиш ишлари 2005 йилнинг бошида ЎзР ФА Шарқшунослик институтида тарих фанлари номзоди Г. Астанова томонидан амалга оширилди. Муаллиф билан бўлган сұхбатда М. Сайджонов ҳақидаги мавжуд маълумотлар шу мақолада берилганлиги айтилди. Шу билан бирга олимнинг шахсий хужжатларидан баъзиларини Шарқшунослик институти кутубхонасининг фондидан топиш мумкинлигини ҳам таъкидлади.

¹⁵ Ўша жойда.

¹⁶ Хужжатда «ўз ихтиёrim билан» жумласи гапдан ташқарида алоҳида кўрсатилган.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 14-фонд, 1-рўйхат, 1113-хужжат, 10-бет.

Г. Астанованинг «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналида чоп этилган ушбу мақоласи Л. И. Ремпель, О. А. Сухареваларнинг асарлари, М. Абдураимов ва Б. Эргашевларнинг мақолалари ва Мусо Сайджоновнинг мақолаларидан кенг фойдаланган ҳолда ёзилган¹⁸. Мақолада бошқа муаллифлар ёзгани каби Сайджоновнинг қисқа ҳаёти ва фаолияти умумий тарзда баён қилинган.

Хулоса килиб айтганда, Мусо Йўлдошевич Сайджонов ҳаёти, фаолияти ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлардаги иштироки, қолдирган илмий мероси бугунгача йирик тадқиқот ўтказиб илмий иш олиб борилмаганлиги туфайли кенг илмий ва оммавий жамоага тўлиқ маълум эмас. Олимнинг асарлари тўла ўрганилмаган бўлиб, бу борада бухоролик Б. Эргашев, М. Абдураимов, С. Горшенина ва Г. Астановаларнинг изланишлари маҳсули сифатида юқорида кўриб ўтилган бир катор мақолаларни мисол килиш мумкин. Қолаверса, у ҳақда баъзи бир адабиётларда ҳам қисқа маълумотлар учраши табиий. Истеъодли олимнинг фаолияти ва илмий мероси билан аксарият ёш тарихчилар яқиндан таниш эмас. Бунинг эса бир қанча сабаблари бор. М. Сайджонов қатағон қилинганидан сўнг унинг кўп асарлари нашр этилмай, қўллэзма ҳолича колиб кетди. Ваҳоланки, бу нодир асарлар хозиргacha ўзининг юксак илмий мавкеи билан қимматлидир.

Юқоридаги мақола ва манбалар таҳлилидан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, М. Сайджонов фаолиятининг кейинги даври, яъни ўлкашунослик, археология, манбашунослик ва маънавий-маърифий соҳалардаги олиб борган хизматлари кисман батафсил ёритилган дейиш мумкин. Хусусан, унинг шу даврдан бошлаб Узкомстарис тизимида ишлай бошлаганлиги ва ҳаётидаги асосий илмий фаолияти айнан шу даврдан бошланганлиги; Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Шахрисабз ва Термизнинг кўхна ёдгорликларини ўрганиб чикканлиги; Бухоро шахри биноларига бағишлиланган мақолалар (1927 йил), «Гўри амир» асари (1928 йил), Самарқанддаги Чилдухтарон мақбараси ҳақидаги (1936 йил) мақоласининг чоп этилиши; Ленинграддаги археология ва санъатшунослик бўйича ўтказилган ҳалқаро конгрессда иштирок этганлиги ҳамда ўзининг шахсий кутубхона-архивини XV-XIX асрларнинг ноёб қўллэзма адабиётлари билан бойитганлиги шу даврнинг муҳим ва сермаҳсул хизматларидандир. Навбатдаги режалаштирилган ишлардан баъзилари бу хозирги кунда илмий муомалага киритилмаган асарлари ва ҳужжатларини аниқлаб, уларни қўлга киритиш М. Сайджонов фаолиятининг дастлабки даврларини ўрганиб тадқиқ этишdir.

¹⁸ Астанова Г. Ўша асар.

C. Мухамедова

Вопросы изучения научной деятельности Мусы Сайджанова

В статье приводятся сведения о жизни, творчестве и научной деятельности известного просветителя из Бухары Мусы Сайджонова, историографические исследования жизни и деятельности которого крайне скучны и затрагивают лишь отдельные аспекты данного вопроса. Рассмотрены уникальные материалы из личного фонда ученого, касающиеся истории, источниковедения, литературы, этнографии, географии, астрономии, медицины, логики и других отраслей науки, имеющие важнейшее значение в контексте восстановления богатейшего культурного и исторического наследия народа Узбекистана.

S. Muhamedova

The questions of the study of Musa Saidjanov's scientific activity.

In the article data on a life, creativity and scientific activity of known educator Musa Saidzhonov from Bukhara, and also questions of a historiography of this question are resulted. Historiographic researches of a life and activity of Musa Saidzhonov are extremely poor and mention only separate aspects of the given question. In the article unique materials from personal fund of the scientist, concerning histories, source studies, literatures, ethnographies, geography, astronomy, medicine, logic and other branches the sciences having the major value in a context restoration of the richest cultural and historical heritage of people of Uzbekistan are considered.

Тарихчи кутубхонасиға

ЦЕННОЕ ИЗДАНИЕ О ТРАГИЧЕСКИХ СТРАНИЦАХ ИСТОРИИ КОЛЛЕКТИВИЗАЦИИ В СРЕДНЕЙ АЗИИ

В современных условиях трудно переоценить значение истории отечества и роль исторической науки. И это значимость прошлого, понимаемая как социальная потребность эпохи, безусловно, актуализирует такую проблему в истории Узбекистана как трагический феномен насилиственной коллективизации и ее последствий для общества в целом и жизненных судеб многих тысяч репрессированных дехкан. В этом отношении новое издание сборника документов «Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I-III / Сост. Р. Т. Шамсутдинов, Б. М. Расулов. Под ред. Алимовой Д. А. Т.: Шарқ, 2006» представляет собой существенный вклад в разработку указанной проблемы. Такая характеристика обусловлена тем, что историками республики впервые была проведена столь масштабная и обстоятельная работа по сплошному выявлению документов, которые были извлечены из государственных архивов Узбекистана, Украины и России научно-практической экспедицией Мерос, возглавляемой проф. Р. Шамсутдиновым. При этом существенно то, что источниковый массив состоит из документов, впервые вводимых в научный оборот. Следует также отметить заслугу составителей данного сборника и его ответственного редактора проф. Д. А. Алимовой, состоящую в том, что ими целенаправленно и объективно были определены содержание и рамки нескольких комплектов документов, представляющих большую ценность для науки и общества.

Значительная часть архивных документов, а также информация, полученная из других источников, дают возможность более глубоко понять и объективно оценить политические и экономические реалии Среднеазиатского региона 20-30-х годов XX в., в частности, по-новому определить позицию Политбюро ЦК ВКПб по вопросам сроков и темпов проведения коллективизации в экономически отсталых районах, конфискации имущества баев-кулаков, отношения к вообще мало-мальски зажиточному слою народа в контексте политики коллективизации. Важно подчеркнуть, что трансформация аграрного социума в Средней Азии, перевод сельскохозяйственного сектора экономики на социалистические рельсы освещались идеологически через канонизированную классовость и осуществлялись средствами раскулачивания, массовых репрессий и депортаций. Для региона эта политика обернулась почти повсеместным уничтожением дехканства как такового и разрушением сложившейся структуры общества.

В условиях административно-полицейского прессинга загон людей в колхозы, естественно, сопровождался грубейшими нарушениями имущественных и личных прав сельского населения. В результате принудительных мер и репрессий создавалось множество бумажных колхозов. Подобная политика государственного терроризма вызвала резкое обострение политической обстановки в Средней Азии. Ускоренная коллективизация привела к массовым волнениям сельского населения, которые в ряде мест вылились в восстания.

По мнению российского исследователя истории ГУЛАГа Г. М. Ивановой, особенность советской репрессивной системы заключалась в том, что ее деятельность основывалась, как правило, не на законах, а на секретных инструкциях, дополнениях и комментариях, которые чаще исходили из органов, не обладающих никакими законодательными правами¹. Об этом убедительно свидетельствуют и материалы предлагаемого читателю сборника. Так, нередко решения о политических репрессиях принимали руководители ВКПб и ОГПУ, вообще оттеняя органы юриспруденции, или вмешивались в их компетенцию, допуская грубый правовой произвол.

Изучая источниковый материал, исследователи имеют возможность лучше понять острую политическую обстановку в среднеазиатском кишлаке, обусловленную коллективизацией, экспроприацией кулаков, что вызвало сопротивление дехканства в республиках региона. По документам, показывающим борьбу дехкан против произвола и насилия, можно проследить ход так называемой кишлачной контрреволюции в кишлаке Средней Азии.

Власть сконструировала группу кулачества для устранения потенциальных и реальных политических противников аграрной политики. Сама классификация людей, распределение их по социальным группам, будучи правомерной и необходимой на научном уровне, сыграла зловещую роль на уровне политической практики того времени. Сталинский тезис об обострении классовой борьбы по мере продвижения к социализму позволял теоретически обосновывать массовые репрессии в стране.

История кулацкой ссылки является составной и неотъемлемой частью истории раскулачивания и коллективизации. Массовая депортация раскулаченных началась сразу же после принятия постановления ЦК ВКПб «О мероприятиях по ликвидации кулацких хозяйств в районах сплошной коллективизации» от 30 января 1930 г. в котором была изложена программа, принципиально точно имеющая отношение к сельским труженикам. Документы подтверждают, что основным и самым массовым объектом репрессий являлось сельское население, крестьянство,

¹ Иванова Г. М. ГУЛАГ в системе тоталитарного государства. М., 1997. С. 58.

дехканство. Собственно, компания террора 1937-1938 гг. стала Большим террором именно благодаря акций против бывших кулаков, а также других антисоветских элементов. Об этих трагических событиях и рассказывают документы сборника.

Начиная с весны 1930 г., отобранные тройками кулацкие семьи были сосланы из Средней Азии в Сибирь, на Урал, В Северный Казахстан, на стройку Беломор-канала, депортированы в Ставропольский край, Херсонскую область Украины. Немало семей кулаков и баев было выселено в созданные в самом регионе трудовые поселки – совхозы Баявут, Савай, Булунгур, Учкурган, Дальверзин, Хазарбог, Норин и др. В разделе Трудспецпоселки представлены документы, свидетельствующие о тяготах ссылки, каторжного труда спецпереселенцев вдали от Родины, о тех страданиях, которые приходилось переносить депортированным соотечественникам. Приведены положения о спецпоселках, статистические данные о количестве спецпоселков и трудпоселенцев, бежавших и задержанных спецпереселенцев, докладные записки по хозяйственно-бытовым и производственным вопросам ГУЛАГа, материалы обследований среднеазиатских лагерей ОГПУ.

В одном из разделов сборника отражен процесс реабилитации репрессированных по политическим мотивам, а также административных ссыльных. Благотворительным фондом Мерос во главе с руководителем проф. Р. Шамсутдиновым были организованы экспедиции в города Алматы, Астана, Кокчетав, Самарканд, Термез, Навои, Бухара, Ургенч, Фергана, Наманган с целью выявления новых документов. В результате были установлены многие имена соотечественников, сосланных в отдаленные края. Целенаправленные экспедиции состоялись также в таких городах, как Москва, Киев, Херсон, Николаев. В разделе приводится масса документов, различных справок, обвинительных заключений, приговоров, обнаруженных в архивах, а также включенных в Книгу памяти жертв политических репрессий.

Продолжавшаяся почти четверть века полоса истории депортации раскулаченных дехкан закончилась лишь в середине 1980-х годов. Посвященный этому периоду сборник «Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг.», представляет собой единственный в настоящее время уникальный источник по истории коллективизации и ее трагических последствий. Издание, несомненно, окажет помощь как исследователям данной проблемы, так и всем тем, кто интересуется вопросами коллективизации и политических репрессий.

Э. Юсупов

Юбилей

«ПО СЛЕДАМ ДРЕВНЕХОРЕЗМИЙСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ» (к 100-летию Сергея Павловича Толстова)

В 2007 г. исполняется 100 лет со дня рождения Сергея Павловича Толстова – выдающегося историка-востоковеда, археолога, этнографа и организатора науки, вся основная научно-исследовательская деятельность которого была связана с изучением исторического прошлого Узбекистана. Он относится к той плеяде русских ученых, внесших, по словам Президента Ислама Каримова, большой вклад в узбекскую науку, который мы никогда не должны забывать. Весь свой природный талант, огромную эрудицию и энциклопедические знания С. П. Толстов посвятил изучению истории, археологии и этнографии Средней Азии, в частности Древнего Хорезма. Впервые на земли Древнего Хорезма он вступил еще будучи студентом Московского государственного университета, во время своей первой учебной практики. Окончив университет в 1930 г. по специальности «Этнография тюркских народов», он сознательно избрал Хорезм полем своей научной деятельности. Сам Сергей Павлович писал, что еще с детства твердо решил заняться этнографией – наукой о культуре и жизни всей нашей планеты. В 20-е годы XX в. уже сложившимся научным сотрудником он избрал почти совсем неизвестный тогда раздел этой науки – этнографию Хорезма, «окруженного со всех сторон пустынями цветущего оазиса низовьев Амударьи, одной из областей древней культуры. Здесь было к чему приложить руки». Оазисы Древнего Хорезма стали для него «землей обетованной» на всю жизнь. В 1932 г. им начаты этнографические исследования в этом регионе в качестве руководителя небольшой экспедиции. Защитив в 1935 г. кандидатскую диссертацию, он продолжил исследование земель древнего орошения, поглощенных пустыней Кызылкум, на окраинах Древнего Хорезма. Занимаясь этнографией, он в то же время был очарован богатством археологических памятников этого региона. Полузасыпанные песками, они, тем не менее, являли чарующее зрелище – затерянная цивилизация неожиданно открылась под крылом самолета. Аэрофотосъемка органично входила в методику созданной С. П. Толстовым экспедиции. Замки, могучие крепости, русла древних каналов, россыпи керамики на такырах обещали интересную работу по их исследованиям.

С 1948 г. экспедиция стала называться Хорезмской археолого-этнографической, а сам С. П. Толстов был ее бессменным руководителем до

1969 г., а затем научным консультантом вплоть до своей смерти в 1976 г. Работы экспедиции прерывались только в годы Второй мировой войны, когда Сергей Павлович ушел на фронт в составе ополчения. Вернувшись с фронта в 1942 г. после ранения, он возобновил работу и был назначен директором Института этнографии АН СССР, эвакуированной тогда на Восток – в Ташкент. С этого времени его деятельность особенно тесно связана с Узбекистаном. Можно сказать, что как крупнейший ученый с мировым именем он состоялся в этой республике. Здесь в Ташкенте, еще не оправившись от ранения, Сергей Павлович в 1942 г. защищает по рукописи докторскую диссертацию – капитальное комплексное исследование, посвященное Древнему Хорезму. Впоследствии, в 1948 г., оно было опубликовано в виде монографии, удостоенной высокой правительственные награды. В 1943 г. С. П. Толстов утвержден в звании профессора.

Благодаря деятельности Хорезмской археолого-этнографической экспедиции были открыты и изучены десятки археологических памятников разных эпох. И сегодня не могут не поражать широта поставленных проблем, объем полевых работ, глубина анализа материала и уровень исследований в Хорезме. Не менее важно использование технических достижений, в том числе применение в широких масштабах аэрофотосъемки. Говоря об особенностях деятельности этой экспедиции, Я. Г. Гулямов, который сам был участником ее работ, отмечал: «Среди увиденных мною экспедиций не было такой дисциплинированной энергичной и подвижной, как Хорезмская. Она была похожа на научно-исследовательский институт. В этой могучей экспедиции самые трудные работы С. П. Толстов сам начинал первым». В этой оценке отражена комплексность, как основа методологии исследований, прогрессивной для своего времени. Археологические, палеогеографические, геоморфологические исследования экспедиции впервые на обширном материале раскрыли не только величие хорезмийской цивилизации, но и экологические стрессы, повлиявшие на ее упадок, сказавшиеся и на соседних областях Центральной Азии.

Предложенные С. П. Толстовым классификация и датировка ранее исчезнувшей и забытой хорезмийской цивилизации, вновь открытой научному миру, выдержали испытание временем и получили международное признание. До наших дней не утратили значения открытия и исследования объектов эпохи неолита и памятников культуры сакских, аланских, гуннских и тюркских племен в низовьях Амудары и Сырдарьи, а также древнейших городов Хорезма, в числе которых одно из выдающихся городищ – Топраккала.

Следует отметить, что в период расцвета работ Хорезмской экспедиции еще не были в полной мере развернуты исследования в других областях Средней Азии – Бактрии, Согда, Маргиане. Не случайно поэтому Сергей Павлович Толстов достижения среднеазиатской культуры древних эпох, как и сведения письменных источников, связывал с Хорезмом: поддерживал гипотезу Маркварта о «Большом Хорезме», в этом же регионе размещал ядро могучей конфедерации Кангюя и Кушанской империи, с Хорезмом связывались в основном и другие события политической и культурной жизни Древней Средней Азии. Исследования последующих десятилетий позволили более объективно раскрыть историческую обстановку в Среднеазиатском регионе, в исправлении ошибочных оценок которой активно участвуют и сами ученики Сергея Павловича Толстова. Каким бы заблуждением, однако, не казались некоторые его выводы и положения с позиций уровня современной науки, бесспорным остается одно – Сергей Павлович Толстов и созданная им экспедиция открыли великую цивилизацию Древнего Хорезма.

«Среднеазиатский Египет», как называл Древний Хорезм С. П. Толстов, всесторонне отражен в статьях и ряде монографий (свыше 400), основными из которых следует назвать «Древний Хорезм», «По следам древнекорезмийской цивилизации», «По древним дельтам Окса и Яксарта», широко известные в научном мире и переведенные на европейские и восточные языки. Одна из них переведена на узбекский язык и издана с предисловием самого автора, в котором он раскрыл причины своего влечения к истории и этнографии Хорезма.

Результаты исследований С. П. Толстова в Узбекистане легли в основу оригинальных курсов лекций, которые он читал в университетах России, Англии, Франции, Италии, Индии. Он не только был членом-корреспондентом АН СССР, но и избран в 1956 г. Почетным академиком АН Узбекистана, стал Заслуженным деятелем науки Узбекистана.

Научные достижения возглавляемой С. П. Толстовым экспедиции имеют и практическое значение. Накопленные данные, охватывающие обширный хронологический диапазон от неолита до средневековья, позволяют наблюдать закономерности колебаний водного режима Арала и двух главных рек Узбекистана, что может быть использовано при разработке правительственные экологических программ.

Охватывая взглядом весь творческий путь С. П. Толстова и громадный вклад, внесенный им в развитие науки Узбекистана, в изучение исторического прошлого его народов, нельзя не обратиться к оценке его деятельности Я. Г. Гулямовым. Он считал, что, помимо вклада в изучение истории Средней Азии и мирового признания этого ученого, С. П. Тол-

стов «может быть по-настоящему достойным эталоном для молодежи в служении благородному делу нации».

В этом году в Государственном музее Каракалпакии им. И. В. Савицкого была открыта развернутая экспозиция, раскрывающая многогранную деятельность Хорезмской археолого-этнографической экспедиции и широкую организующую роль Сергея Павловича Толстова в ее работе и подготовке национальных кадров республики.

Данью уважения памяти С. П. Толстова и признанием его заслуг перед наукой Узбекистана стал проведенный в 2007 году Международный симпозиум «Приаралье на перекрестке культур» в Нукусе. В нем приняли участие исследователи из разных стран дальнего и ближнего зарубежья. Академик С. К. Камалов и проф. И. М. Джаббаров раскрыли основные этапы и направления деятельности С. П. Толстова. Большая же часть сообщений была посвящена результатам новейших исследований в Приаралье и оазисах Древнего Хорезма. Особо следует отметить доклады участников Каракалпакско-Австралийской экспедиции под руководством В. Н. Ягодина и Аликс Бетс, а также сотрудников Хорезмской археолого-этнографической экспедиции, продолжающей свои работы и в наши дни. Они показали, как далеко продвинулись исследования в Древнем Хорезме, обогащенные новыми открытиями. В их числе – открытие и исследование Ташкырманского оазиса, входившего в так называемую столичную зону Хорезма. К известным уже столичным пунктам Хорезма эпохи поздней античности и средневековья прибавилась его древнейшая столица с дворцово-храмовыми и мемориальными комплексами, новыми образцами настенных росписей и скульптуры, восходящими к IV – III вв. до н. э. Важны новейшие выводы о зарождении хорезмийской государственности оазисного типа в конце VII в. до н. э., что ставит теперь Хорезм в общую линию развития древнейшей государственности, прослеженную ранее на территории Бактрии, Согда, Маргианы.

Симпозиум осветил широкий диапазон исследований, связанных как с научным наследием Сергея Павловича Толстова, так и с дальнейшим творческим развитием положений и дополнением выводов, сделанных еще в первые десятилетия работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции.

Ю. Буряков, М. Филанович

Муаллифлар хақида маълумот

Б. Абдуллаев – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогикауниверситети Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчisi.

С. Азизов – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогикауниверситети ўқитувчisi.

Д. Зияева – ЎзР ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, т.ф.д.

У. Рашидов – Бухоро Давлат университети жаҳон тарихи ва тарихшунослик кафедраси доценти.

Д. Атаджанова – ЎзР ФА Тарих институти тадқиқотчиси.

Г. Астанова – Бухоро Давлат университети ўқитувчisi.

А. Аширов – ЎзР ФА Тарих институти директори ўринбосари, т.ф.н.

С. Мухамедова – ЎзР ФА Тарих институти аспиранти.

Э. Юсупов – Андижон Давлат университети доценти, т.ф.н.

Ю. Буряков – ЎзР ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, академик.

М. Филанович – ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Сандуқов Сардор Улугбекович (1938—2007) — профессор, доктор исторических наук, заслуженный деятель науки Республики Узбекистан, член-корреспондент Академии наук Узбекистана, профессор кафедры истории Узбекистана Ташкентского государственного педагогического университета им. Ахмадиево-Розинского. Умер в Ташкенте 14 июня 2007 года.

Научные интересы Сандуқова С. У. Ташкентский университетский исторический факультет, кафедра истории Узбекистана и центральноазиатской истории, кафедра монголо-тюркологии близко сближены с научными интересами его коллеги по кафедре. Историки Узбекистана и Центральной Азии в совместной работе разработали правила и методики преподавания вузовской истории, подготовили и издали

Основные этапы весь творческий путь С. У. Ташккова и громадный научный вклад в развитие науки Узбекистана, в научно-исследовательской деятельности Я. Г. Рузановых. Они считали, что, помимо энциклопедии в изучение истории Средней Азии и мировой эпохи надо включить

Тип 3440

Индекс 1027